



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

**Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:**

1. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус, касб-хуна билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 5440 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 10765 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 5440 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 6520 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалиқ оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисба-

тан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетини ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад(фойда)дан олинадиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фоизидан 37,2 фоизига камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 2 апрель

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 19 февралда Фанлар Академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи янги экспозицияси билан батафсил танишар экан, уни яратишда ҳам ташкилий, ҳам ғоявий, ҳам илмий-ижодий жиҳатдан катта иш қилинганлигини таъкидлаган ҳолда экспозицияни янада такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш бўйича ўзининг қимматли таклиф ва маслаҳатларини берди, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарих фанини ривожлантириш бўйича олимлар олдида бугунги кунда турган долзарб вазифаларни баён этди. «Миллий маданият ва давлатчиликнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланиб бориш эволюцияси билан бирга, бутун дунёда тан олинган, жаҳон эътироф этадиган, нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга тарихий экспонат ва ёдгорликларни, цивилизация намуналарини кўрсатиш орқали бизнинг юртимиз ана шундай ноёб бойликлар макони бўлганини яна бир бор исботлаб бериш, бу ҳақиқатни муҳраб қўйиш лозим. Шунда бу музей нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун дунёда тан олинган илм-фан ва маданият марказига айланади», — деди Президент.

Бугунги кунда музей экспозицияси Президентнинг таклифи ва маслаҳатлари асосида қайта кўриб чиқилди, у янада бойитилиб, айрим бўлимлар янгиликлар шакллантирилди, экспонатларнинг кўримли бўлиши ҳамда таъ-



сирчанлиги оширилди, воқеалар ўртасидаги даврий изчилликни таъминлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатишда тасвирийликка алоҳида эътибор берилди.

Бугун халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган мустақиллик шароитида яшамокдамыз ва ишламоқдамыз. "Мустақиллик халқимизнинг XX аср охирида эришган буюк ютуғидир ва у ўзбек халқининг жаҳонда кадр-қимматини, обрўсини тиклаш учун қўлга киритган тарихий имкониятидир", — деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Ана шундай тарихий имконият туфайли қандайдир тўполонлар ва ўзаро синфий қурашлардан иборат қилиб кўрсатилган, ўта сохталаштирилган ва

камситилган қадим тарихимиз инсониятнинг цивилизация ривожланиши нуқтаи назаридан қайтадан кашф қилинди. Нафақат бугунги ҳаётимизнинг, балки ўтмиш тарихимизнинг ҳам эгаси бўлди. Қисқа вақт ичида ўзбек цивилизациясининг ўзига хос тараққиёт қонунларини, унинг жаҳон цивилизациясининг ажралмас муҳим қисми эканлигини кўрсата оладиган батамом янги, илмий асосланган тарихий йўналишдаги музейлар қурилди. Бунга мисол қилиб Термизда қурилган Археология музейи, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Гулистон шаҳрида кунча кеча ишга тушган маънавият маркази, батамом янгидан жи-

ҳозланган Самарқанд давлат маданият тарихи музейи, Бухоро давлат кўриқхонаси, Фарғона ўлкашунослик музейларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларининг 2500-2700, "Авесто" китобининг 2700, Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги ва бошқа ўнлаб жаҳон миқёсидаги тадбирларнинг ўтказилганлиги нафақат тарихий қадриятларимизнинг тикланиши, балки ўзбек цивилизацияси шухратини, қолаверса, бутун Шарқ маданиятининг улуғворлигини дунёга кўз-кўз қилиш имкониятини берди.

(Давоми 8-9-бетларда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**МУАММОЛАРГА  
ЖОЙИДА ЕЧИМ  
ИЗЛАНДИ**

2-бет

**БОЛАЛАР НИМАГА  
ҚИЗИҚАДИ?**

*ёхуд улар учун  
ёқимли бўлган  
амалларга қанчалик  
мазмун юкланаётгани  
хусусида*

3-бет

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
БЎШ ВАҚТИ  
ҚАНДАЙ ТАШКИЛ  
ЭТИЛМОҚДА?**

4-бет

**Римма АҲМЕДОВА:**

**ТЕАТР — МЕНИНГ  
ТАҚДИРИМ!**

5-бет

**“ЭЙ, ОДАМЗОД,  
ИБРАТ ОЛГИН  
ЮЛДУЗЛАРДАН  
СЕН...”**

6-бет

**КЎРИК-ТАНЛОВГА  
МАРҲАМАТ!**

7-бет

**ОТАЛАР  
ИБРАТИ — ҲАЁТ  
МАКТАБИ**

11-бет

**АЛКИМЁГАР**

*роман*

12-бет

**“ЧЕЧА”  
КРОССВЕРДИ**

16-бет

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARI

## OLIIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Ijtimoiy masalalar va bandlik qo'mitasining navbatdagi yig'ilishida "Aholini ish bilan ta'minlash to'g'risida"gi qonunning Xorazm viloyatida ijrosi masalasi muhokama etilib, muvaffaqiyatlar qatorida mavjud kamchiliklarga ham e'tibor qaratilib, ularni bartaraf etish yuzasidan chora-tadbirlar belgilash zarurligi tavsiya etildi.

BOLALAR  
SALOMATLIGI  
YO'LIDA

O'zbekiston Sog'liqni saqlash vazirligi Pediatriya ilmiy-tekshirish instituti, Pediatrlar uyushmasi, "Sog'lom avlod uchun" xalqaro xayriya jamg'armasi hamkorligida tashkil etilgan bolalarda nafas olish a'zolarining o'tkir va surunkali kasalliklari tashxisi, davolash va reblitatsiyasiga bag'ishlangan respublik ilmiy-amaliy anjuman ushbu kasalliklarni o'z vaqtida aniqlash, oldini olish, davolash va farzandlarimizning salomatligini tiklashning zamonaviy usullarini amaliyotga tatbiq etish yo'llarini tibbiyot jamoatchiligining barcha qatlamlariga yetkazishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan edi.

LOYIHA  
MUVAFFAQIYATLI  
YAKUNLANDI

Oltinsoy tumanidagi Alpomish, Denov tumanidagi Chambil qishloqlarida AQSH hukumati tomonidan moliyalashtirilgan ikkita infratuzilmaviy loyihaning tugallanishiga bag'ishlangan marosimda AQShning mamlakatimizdagi elchisi Jon Xyorbst hamda Surxondaryo viloyati hokimiyati, mahalliy va xalqaro tashkilotlar vakillari ishtirok etishdi.

O'QUVCHILAR  
TALABA BO'LISHDI

Yosh iste'dodlarni kashf etish, musiqa san'atini rivojlantirish maqsadida har yili o'tkaziladigan respublika ko'rik-tanloving bu yil Samarqandda bo'lib o'tgan XVII yosh ijrochilarning tanlovi yakuniy bosqichida g'olib chiqqan T.Gilyazetdinova (skreпка), S.Ibragimov (violonchel), A.Musurmonov (kontrabas) birinchi o'rinni egallab, mamlakatimizdagi musiqa va san'at yo'nalishidagi oliy o'quv yurtlariga test sinovlarisiz kirish imkoniyatiga ega bo'lishdi.

Кашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти «Обод маҳалла йили»да маҳаллаларда барпо этилаётган милиция таянч пунктлари инфра-тузилмасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Яқинда Муборак ва Косон туманларида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган милиция таянч пунктлари бунга яққол мисол бўла олади. Ай-

иссиқ-илиқ кунларда, балки қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Қолаверса, марказнинг спорт машғулотларини ўтказишда хориждан келтирилган машқ-ускуналари билан жиҳозланганлиги унинг сеvimли масканга айланишидан далолат беради. Айни баҳор дамлари мажмуа атрофида 700 тугдан зиёд ниҳоллар — мевали дарахтлар кўчат-

ЁШЛАР  
ҚУВОНАДИГАН  
БЎЛИШДИ

ниқса, Муборакда қад ростлаган 274-сонли милиция таянч пункти замонавий тарзда жиҳозланганлиги, жуда нафис ва бежирим безатилганлиги билан нафақат вилоятда, балки республикадаги милиция таянч пунктлари орасида ҳам ажралиб туради десак, сира муболага бўлмайди. Чунки, мазкур милиция таянч пункти қошида «Ёшлар спорт маркази» ҳам барпо этилди. Ушбу мажмуа 500 кишига мўлжалланган теннис корти, футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари билан бирга ёпиқ турдаги спорт иншоотини ҳам ўз ичига олади. Демак, маҳалла болалари нафақат

лари ҳам экилди.

Яхшидан боғ қолади, деганларидек, ушбу мажмуа қурилишига Муборак газ конлари бошқармаси жуда катта ҳисса қўшди. Косон туманида барпо этилган 67-сонли милиция таянч пунктнинг қурилишида эса «Ўзпахтасаноат» ва вилоят пахтаसानоат бошқармасининг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳар иккала милиция таянч пунктнинг ҳам очилишида вилоят ҳокими Н.Зайниев ва ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А.Юлбарисовлар иштирок этишди.

О.ЭШҚОБИЛОВ,  
милиция подполковниги

МУАММОЛАРГА  
ЖОЙИДА ЕЧИМ  
ИЗЛАНДИ

Хоразм вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси вилоят таълим муассасаларида методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги асосий вазифаларни аниқлаш мақсадида яқинда Янгибозор туманидан мактабгача таълим, умумтаълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига ташриф буюриб, ушбу жамоаларнинг фаолияти билан атрофлича та-

саларида янги педагогик технологияларни жорий этиш», «Давлат таълим стандарти талабларининг бажарилиши», «Ўқувчилар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш», «Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этиш», «Умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларида тиббий ходимлар томонидан ўтказиладиган репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш»

## Tadbir

нишдилар. Дарслар кузатилди, фан мутахассислари билан давра суҳбатлари уюштирилиб, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар. Шундай қилиб, тумanning барча таълим муассасалари ходимларига бевосита иш жойларида амалий методик ёрдам кўрсатилди.

Куннинг иккинчи ярмида қатнашчилар ҳамда туман халқ таълими муассасалари раҳбарлари I-мактабнинг мажлислар залига йиғилдилар.

Йиғилиш давомида мактаб, бошча ва бошқа таълим муассасаларида бўлган институт ходимларининг «Таълим муасса-

мавзусидаги таҳлилий ахборотлари тингланди. Сўнгра туман ўқитувчи-мураббийларининг мавзуга доир тақлифлари ва мулоҳазаларига эътибор қаратилди. Ўзига хос тарзда ўтказилган ушбу йиғилиш, албатта, баҳс-мунозараларга ҳам бой бўлди. Хусусан, учрашув қатнашчиларининг «Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш», «6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш» каби қатор масалалар юзасидан билдирган фикрлари аҳамиятли бўлди.

Жумамурод РАҲИМОВ,  
ВПКТМОИ табиий фанлар таълими кафедраси доценти.

«ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ  
ЖИЛВАСИ»

Тоза ичимлик сув масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланган бир вақтда ҳар биримиз уни тежамкорлик билан ишлатишимиз керак.

Бу ишларни амалга ошириш учун фарзандларимизни сувдан оқилона фойдаланишга ўргатишимиз лозим. Шу сабабдан тежамкорликни кафолатлаш учун келажак авлодга ҳозирдан қўниқмалар бериш катта заруриятга айланди, чунки сув ва унинг аҳамияти ҳақидаги маълумотларни билиш болаларимизга келажакда катта ёрдам беради. Бу борада Республикамаизда бир қатор иш-

лар амалга оширилмоқда. 2003 йилнинг БМТ томонидан «Тоза ичимлик суви йили» деб эълон қилиниши ҳам сув муаммосига жиддий қараш кераклигини кўрсатади.

Икки йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази Британия

кенгаши ҳомийлигида умумтаълим мактаблари ўртасида «Томчи сувда ҳаёт жилваси» номли кўрик-танловни ўтказиб келмоқда.

Танлов ўтказишнинг асосий мақсади сув муаммоси ҳақида ўқувчилар-

нинг хабардорлигини, билими ва тушунчасини ошириш, сувдан фойдаланиш борасида онгли равишда фикрлашга ҳамда уй ва мактабда сувни тежашга ўргатиш. Айни кунларда танловнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқичлари якунланди.

Республика Таълим Марказида танловнинг

Тошкент шаҳар бошқичи бўлиб ўтди. Бунда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманидан голиб бўлган мактаблар ўқувчилар ўртасида кизиқарли баҳс-мунозаралар ўтказилди. Ўқувчилар уларга тарқатилган тадқиқот дафтаридеги бажа-

рилган вазибалар, корхоналарда олиб борилган тадқиқотлар ҳақида гапириб беришди ва ўз гоёларини ҳимоя қилишди.

I ўрин Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактаб жамоасига, II ўрин Мирзо Улуғбек туманидаги 222-мактаб ўқувчиларига ва III ўрин Ҳамза туманидаги 244-мактаб жамоасига насиб этди.

Барча голиблар якуний Республика бошқичига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Кўрик-танловнинг якуний Республика бошқичи 10-12 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ш. МАДРАҲИМОВА

Shu songa  
xabar

Баҳор фасли Янгибод туманидаги Қўшқанд қишлоғи ахлига ҳам қувонч олиб келди яъни Наврўзи олам давом этаётган шуқухли кунларда бу манзилда янги мактаб ишга туширилди. Барча

ҚЎШҚАНДА  
ҚЎШ ҚУВОНЧ

қулайликларга эга бўлган янги мактаб биноси қўшқандликларнинг 210 нафар ўғил-қизини ўз бағрига олди. Бугунги кунда 11-мактабда ўқувчилар меҳрибон устозлар кўмағида фан сирларини ўрганмоқдалар. Ўқувчиларнинг шоду хурамлиги баҳор тантаналари билан уйғунлашиб кетди.

А.СОДИҚОВ

## КИМЁ ФАНИ ВА ЭКОЛОГИЯ

## Dolzarb mavzu

XX асрнинг охирига келиб, sanoatning жадал ривожланиши, шахарларнинг кенгайиб бориши, ички ёнғун двигателларида ёқилги ёниши, атом электр станцияларида фалокатлар содир бўлиши ва бошқа сабабларга кўра ер юзасида экологик вазият тобора мураккаблашиб бормоқда. Экологик вазиятнинг бундай кескин тус олиши сув, атмосфера, тупроқ захарланиб, инсон саломатлиги ва ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида инсон ва табиат мутаносиблигига ҳам таъсир кўрсатаётир. Бундан ташқари, табиий ва синтетик газламалар, ёғоч ва пўлат пластмассалар, совун ва детергенлар алмаштирилаётганлиги туфайли ҳам вазият кескинлашиб бораётти. Буни кимё ва экологиядан бохабар киши янада аниқроқ ҳис эта олади. Шу боис ёш авлодни экологик билим билан қуроллантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири саналади.

Маълумки, мактабда кимё, био-

логия, география каби фанларни ўқитишда фан асосларини экологик билимлар билан боғлаб олиб бориш қўламли ва имкониятлари чексиздир. Масалан: «Кислород», «Оксидлар» мавзуларининг ёниш бобидаги «Кислороднинг ишлатилиши», «Кислороднинг табиатда айланиши» мавзуларида куррамиздаги ўрмонлар ва яшил сув ўтлари сарф бўлаётган кислород ўрнини тўлдириб туриши, агар ўрмонлар аёвсиз қирқилверса, яшил сув ўтлари ўсаётган муҳит ифлосланиши давом этаверадиган бўлса, у ҳолда ерда кислород ҳажми кескин камайиб кетиш хавфи борлиги ўқувчилар онгига етказилади. Маълумотларга кўра, бепоеён Сибир ўрмонлари куррамиздаги кислороднинг деярли ярмини берар экан. Шу боис олимлар таъбирича, Сибир куррамиз «ўпкаси» ҳисобланади.

Кесилган ёки қуриган дарахтларнинг ўрнига тезлик билан ёш ниҳоллар ўтказиш ва уларни парвариллаш шахар шароитида нечоғлик фойдали эканини ва атроф-муҳит-

нинг барқарор ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини ўқувчилар онгига сингдириш лозим. Шунингдек, океан ва денгиз сувларининг нефть ва нефть маҳсулотлари, sanoat чиқиндилари билан ифлосланиши яшил сув ўтларини нобуд қилаётгани ҳам кислород микдорини чегаралаб қўйиши мумкин эканини мисоллар ва турли хил кўргазмалар воситалар орқали тушунтириш мумкин. Натижада ўқувчининг экологияга бўлган қизиқиши ва она табиатга бўлган меҳри янада ортади.

«Хаво», «Хавонинг таркиби» мавзуларида ўқувчиларга куррамизнинг кўпгина қисмида атмосфера қатламида сезиларли ўзгаришлар содир бўлаётгани, ҳозирги кунда хаво таркибида PBO, SO<sub>2</sub>, CO<sub>2</sub>, NH<sub>3</sub> хлорли ва фторли бирикмалар, қаттиқ чангсимон моддалар хаво таркибининг бузиб, инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётгани тушунтирилади. Маълумки, кейинги пайтларда илгари

фанга номаълум бўлган турли касалликлар пайдо бўлмоқда. Упка раки, сил, сариқ касаллиги, рахит билан оғриш фоизи ортиб бораёттир, ўсимлик олами нобуд бўлаётти. Шунингдек, атмосферада углерод (IV) оксиднинг ортиб кетиши «парник эффекти» деб аталган ҳолатни юзага келтирмоқдаки, бу табиат ва инсониятга катта хавф туғдирмоқда.

«Сув. Сувнинг таркиби, табиатда сув ва уни тозалаш усуллари, ишлатилиши» мавзусидаги сувнинг инсон ҳаётида қанчалик муҳимлиги, бир томчи сув ҳам ардоқланиши лозимлиги ҳақида гапирилиб, ўқувчилар билимини яна кўплаб қизиқарли мисоллар билан бойитиш мумкин. Бошқа мавзуларни ҳам шу тартибда давом эттириш ҳар бир кимё фани ўқитувчисининг эътиборида бўлиши керак. Зотан, ўқувчи атрофмуҳитга кимё фанининг нақадар боғлиқлигини билиши унинг кейинги ҳаётида ҳам муҳимдир.

Шаҳрибону БОЗОРОВА,  
ТШХТББ методисти

Инсон саводли бўлиши учун ўқиш ва ёзишни билиши зарур. Ҳозирги замонда ўқиш ва ёзишни билмай яшаш жуда мушкул. Ҳарфларни ўргатиш ва ўрганиш эса анча мураккаб жараён саналади. Буни ҳаммадан кўра, боғча тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчилари, ота-оналар жуда яхши билишади.

Маълумки, болаларга ҳарфларни танитишда асосан "Алифбе" китобидан фойдаланилади. Яъни ундаги ҳарфлар навбатма-навбат таништириш, ўргатиш ва қайта-қайта такрорлаш орқали ўқувчилар онгига сингдирилади. Ҳарфларни кўп маротаба дафтарга ёзиш ҳам уларни эсда сақлаб қолиш жараёни учун хизмат қилади.

Болалар турли ўйинларни ўйнашга жуда қизиқувчан ва бу борада ҳеч чарчоқ билмаслиги сир эмас. Ҳозирги пайтда эса 5-10 ёшдаги, баъзан каттароқ болалар орасида ҳам турли мультфильм қахрамонларининг расми туширилган картончалар — "покемон"лар, конфет ва сақич ўралган қоғозлар — "кетка"ларни йиғиш ҳамда ўйнаш кенг тарқалган. Болаларда, айниқса, турли хил машиналар, кино ва спорт юдзуларининг тасвири туширилган сақич ва конфет қоғозлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларнинг боланинг маънавий шаклланишига таъсири қанчалигини билмадиму, бироқ ажабланарли томони шундаки, болалар бу картонча ва қоғозларни эҳтиёт қилиб, асраб-авайлайдилар, ҳаттоки ўртоқларига кўрсатиб, кўз-кўз қиладилар. Чунки бу қоғозлар болаларнинг "ўз мулклари" бўлиб,

уларни ўйнайдилар, ютиб оладилар ёки ютқазадилар ва ўзаро алмаштирадилар.

Ўғил ва қиз болаларнинг ана шу қизиқишларидан алифбо ҳарфларини, рақамларни ва бошқа улар билиши зарур бўлган нарсалар, рамзларни ўргатишда кенг фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ма-

қасидаги расмга қараб, ҳарфнинг номини эсга олади. Бу картончаларни у доимо ўзи билан олиб юриши, шунингдек, улар ёрдамида ўртоқлари билан турли ўйинларни ўйнаши натижа-сида картончада акс этган ҳарф боланинг хотирасида мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Ҳарф билан унга оид расм

асосланган ўзбек алифбосида 29 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгиси бор. Шунга асосан 28 та ҳарфга расмлар топиш мумкин. Ng товушини эса "п" ва "g" ҳарфлари ёрдамида ўзлаштирса бўлади. Тутуқ белгиси учун расм ўрнига йўл ҳаракати қоидаларига оид "STOP" — "тўхтаб ўтиш" белгисининг тас-

та-кичик шаклини унинг бир томонида, шу ҳарфлар билан бошланадиган нарсалар расми-ни иккинчи томонида жойлаштирган эдим. Ҳар гал бола билан учрашганда, унга иккитадан картонча берар эдим ва шу ҳарфлар билан таништирдим. Ўзлаштирилган ҳарфлар сони кўпайгач, унга ҳарфлар иштирокида турли сўзлар ҳосил қилиш вазифасини топширдим. Болага ўз исмини, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглисининг исmlарини ҳосил қилиш топшириқларини берганимда, у жуда хурсанд бўлиб, бу ишни бажону дил бажарарди. Охир-оқибат бола картончалар ёрдамида ҳарфларни тезда ўзлаштириб, ўзи турли сўзларни ҳосил қила бошлаган эди. Хуллас, натижа кутилганидан кўра яхшироқ бўлганди.

Болаларга картончаларда ҳарфлар билан бирга рақамларни тақсимлаб акс эттириш билан сонлар ҳақида ҳам билим бериш мумкин. Бунинг учун картончаларни пулга ўхшатиб тайёрлаш лозим. Натижада болалар бир вақтнинг ўзида ҳарфларни ўрганиш, сўзлар ясаш, рақамларни фарқлай олиш каби билимларга эга бўладилар. Энг муҳими, бу ўйин тариқасида амалга оширилади. Сиздан фақат йўлланма беришгина талаб қилинади. Қисқаса, қолган ишни болаларнинг ўзлари ўйин сифатида давом эттирадилар.

Комилжон НОСИРОВ,  
педагогика фанлари  
номзоди

Fikr, mulohaza, taklif

# БОЛАЛАР НИМАГА ҚИЗИҚАДИ?

ёхуд улар учун ёқимли бўлган амалларга қанчалик мазмун юкланаётганлиги хусусида

салан, гугурт кутчаси ҳажмида картон қоғозини олиб, бир томонига ўзбек алифбоси ҳарфларининг катта ва кичик шакллари, орқа томонига шу ҳарф билан бошланган бирор нарсанинг расми акс эттирилади. Болага картонча берилган вақтда ҳарфнинг номи ва акс эттирилган расм бу ҳарф билан боғлиқ экани унга ўргатилади. Вақт ўтиб, бола ҳарф номини ёдидан чиқариб қўйса, картонча ор-

картончанинг икки бетида акс этиши бола томонидан мазкур ҳарфнинг ўзлаштирилишини текшириш имкониятини беради. Айнан шу жиҳатлари билан бу усул ҳаммага маълум бўлган тасвири алифбо жадваллари ва ҳарф халталари учун мўлжалланган ҳарфларнинг катта-кичик шакллари ҳамда бўғинларнинг тасвирсиз қирқма жадвалларидан фарқ қилади.

Маълумки, лотин ёзувида

вирини қўллаш мумкин, чунки бу белгининг вазифаси тутуқ белгиси вазифасига ўхшаб кетади. Ҳарф ўрганиш баҳонасида болалар "STOP" белгиси билан ҳам танишиб оладилар.

Шу ўринда бир мисол келтирмақчиман. Бундан ўн йиллар муқаддам 1-синф ўқувчисига ҳарфларни ўргатишим лозим бўлиб қолди. Ўшанда мен гугурт кутиси ҳажмидаги картончаларни олиб, ҳар бир ҳарфнинг кат-

# ҒОЛИБ ИШТИРОКЧИ НИМАНИ ТАНЛАМОҚДА?

ёхуд "Муъжизалар майдончаси" кўрсатуви ҳақида



Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқув ишлари бўйича директор муовини, география фани ўқитувчиси Шоира Ибодова ўзининг мураккаб иш фаолиятидаги вазифалари, шунингдек оилавий юмушларидан ортиб, билимга чанқоқ ўқувчиларга қўшимча сабоқ бериб боришга ҳам имкон топмоқда.

Суратда: ўқитувчи 6-синф ўқувчилари билан география фанидан синфдан ташқари машғулот ўтмоқда

## ТАҲЛИЛ ВА МУНОСАБАТ

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилояти Қибрай туманида "Ироқ атрофидаги вазият: таҳлил ва муносабат" мавзуда очиқ мулоқот ўтказди. Унда маҳалла фаоллари, ўқув юртлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, қорхона ва ташкилотлар раҳбарияти вакиллари, ширкат хўжаликлари аъзоларидан иборат 500 га яқин киши иштирок этди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходимлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги санаот касб-хунара коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ҳам худди шундай давра суҳбати ўтказди.

хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Шукурова, Олий Мажлис депутати, доцент Асадулла Абдурахмонов, Қибрай шаҳридаги Фурқат маҳалласи оқсоқоли Толиб Тўраевлар йиғилганларга Ироқ атрофидаги вазият юзасидан Ўзбекистон давлати тугган позиция моҳиятини тушунтирдилар ва кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходимлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги санаот касб-хунара коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ҳам худди шундай давра суҳбати ўтказди.

Мурод ХОШИМОВ

Ўзбекистон телевидениесининг 1-каналда Россия телевидениесининг ҳафтада бир бериладиган "Поле чудес" кўрсатуvidан андоза олиб ўзгача бир руҳда — аксарият 4-6-синф ўқувчиларига мослаштирилгани ҳолда ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, фан ва таълим, адабиёт ва санъат соҳасида уларнинг билим ва иштиёқини оширишга хизмат қилувчи "Муъжизалар майдончаси" номи билан телеэкранга чиқарилган кўрсатув, айтиш кераки, оқилона иш бўлган. Бу кўрсатувни нафақат ёшлар, балки катталар ҳам берилиб томоша қилишларига ишонаман.

Дилшод Каттабеков бу кўрсатувни ўзига ишонгани ҳолда бор билимини ишга солиб олиб боради. Лекин бироз ёшлигига бориб баъзи ҳолларда "Поле чудес" бошловчиси Леонид Якубовичдан фарқли ўлароқ, баъзи нозик масалаларга эътибор бермаётганлиги кўзга ташланиб қолади. Дилшодбек берилган саволга тўғри жавоб топган турнир голибининг томошабинлар қаторидан жой олишини сўраб, кейин унинг голиблигини тантанавор эълон қилади. Бу ҳолни Дилшодбек кўрсатувни янада жонлантириб юборади, деган фикрда қилса керак-да. Аммо голибнинг бундан кўнгли озор чекмайдими? Менимча, бундай иш тутиш яхши эмас.

Мен бу кўрсатувни ҳар гал кўрганимда, нега баъзи нарсалар натижасиз қолдирилган экан, дея ўзимга ўзим савол берман. Чархпалак айлантирилганда, Дилшодбек очколарни эълон қилади. Бу очколар нима учун берилиши, унинг умумий миқдори нимани ҳал қилиши — булар ҳаммаси натижасиз қолади. Менимча, финалга чиққан иштирокчига очколар йиғиндиси айтилиб, юз ва ундан ортиқ очколар учун эстетик завқ берувчи нафис санъат асарига ўхшаб нарсалар совга тариқасида берилса, очколар ўз натижасини кўрсатган буларди. Чархпалакда рақам ўрнига (+) қўшув белгиси кўрсатилиб қолганида Дилшодбек

тўғридан-тўғри "Қайси ҳарфни очасиз" дейиш ўрнига "Сизга омад кулиб боқди, катаклардаги ҳарфлардан бирининг очилишига эришдингиз, улардан қай бирининг очилишини истайсиз", деганида яна ҳам яхши бўларди.

Бу ўйинда супер ютуққа деярли ҳамма вақт видеомагнитофон ҳамда энциклопедия томлари қўйилади. Лекин голиблар энциклопедия томларини танламайди. Шундай экан, ютуққа икки нарсани қўйиб утирмай, биргина видеомагнитофоннинг узини қўйиб қўя қолса бўлмасмикан. Мен ноёб хазина, қимматли адабиётнинг ўқувчиларимиз томонидан танланмаётганига ачинганимдан шундай фикрга бордим. Сузим ниҳоясида шуни айтмоқчиманки, тарбиячи, устоз ва ўз ўрнида сизу биз — ота-оналар фарзандларимизга ўзбекона лутф маданиятини сингдириб борайлик.

"Муъжизалар майдончаси" ўйини ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, унинг яна ҳам такомиллашишига тилақдошман.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳар қандай жамиятнинг эртасини билимли, юксак салоҳиятли ёш авлод таъминлайди. Ўсиб, улғайиб, камол топаётган болаларнинг саводли, етук илмли бўлиши кўп жиҳатдан улар ўқиётган китобларга боғлиқ бўлади.

Юқорида муаллиф супер ютуққа видеомагнитофон қўйилсин, барибчи энциклопедик томларни ҳеч бир иштирокчи танламаптику, деган фикрни билдирибди.

Умид қиламизки, ушбу ўйинга келгусида энциклопедик китобларни маиший техникадан афзал кўядиган ёшлар таклиф қилинади.

Бу ҳолдан ёш авлод ўзига яраша хулоса чиқармоғи, хулоса чиқаришга қийналадиган болакайларга эса катталар ёрдам бермоғи лозим.

## Hay'at yig'ilishida

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Халқ таълими вазири, ҳай'ат мажлиси раиси Р.Жўраев олиб борди. Унда Тошкент шаҳри таълим бошқарув органларининг болалар бўш вақтини самарали ташкил этишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва маҳаллалар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Йиғилишда мазкур масала юзасидан қатор ишлар бажарилгани таъкидланди. Жумладан, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан «Ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбияси ва мактабдан ташқари бўш вақтларини ташкил этиш бўйича 2002-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури» ҳамда «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси талаблари асосида шаҳар мактаблари ўқувчиларининг мактабдан ташқари бўш вақтларини тўғри ташкил этишда вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари ва маҳалла жамоаларини кенг жалб қилиш тадбирлари амалга ошириладигани айтилди. Шунингдек, бо-

Республика ўқувчилар саройининг 17 та, ўқувчи ёшлар техник-ижодиёт марказининг 8 та, Республика «БИОЭКОСАН» ўқув услубий мажмуасининг 12 та ва шаҳар қўшимча таълим мажмуасининг 4 тўғарақлари бевосита маҳаллалар ва уларнинг худудидаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган. Жойларда болаларни бўш вақтини сермазмун ташкил этилиши натижасида тўғарақларга жалб этиш кўрсаткичи 2001 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ўсган.

Таълим бошқарув органлари билан маҳаллалараро спортнинг энг оммалашган футбол, волейбол, каратэ турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Спорт мактабларида 15588 нафар бола турли спорт тўғарақлари ва секцияларига жалб қилинган. Буларнинг 1433 нафари бевосита маҳаллалар қошида ташкил этилган спорт секцияларида қатнашади.

С.Рахимов туманида вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси, халқ таълими бўлими маҳалла кўмиталари раислари, педагог-тарбиячилар билан биргаликда болалар спортини ривожлантиришга ҳам

бирлар ва спорт мусобақалари ўтказилган.

Чилонзор туманида 43 маҳалла педагог ташкилотчилари, туман прокуратураси, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ички ишлар бўлими профилактика нозирлари, маҳалла йиғини раислари, муассаса раҳбарлари, қўшимча таълим мажмуаси тумандаги кам таъминланган, ноқобил оилада тарбияланаётган мингдан ортиқ ўқувчилари ёз ойларида дам олиши, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, музейларига экскурсияларини ташкил қилган.

Тумандаги Бўстон, Шарқ ва Катта Чилонзор маҳалла Кенгашлари педагог тарбиячилари ва умумтаълим мактаблари педагоглар жамоаси томонидан кам таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандларига аъло ўқишлари, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этганликлари учун стипендия, 49 ўқувчига дарсликлар, 50 дан ортиқ ўқувчиларга ўқув анжомлари олиб берилган.

Болалар бўш вақтини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларга кўра, Ҳамза тумани ҳокимияти «Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ички ишлар ва халқ таълими бўлими»

ўзаро ҳамкорлиги», «Ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш» каби методик тавсиялар ишлаб чиқилган. «Устоз-шоғирд» ишларини янада ривожлантириш бўйича маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик мавзусида амалий семинар ўтказиш режалаштирилган.

Бирок Тошкент шаҳар туманларида ўқувчиларни бўш вақтларини самарали ташкил этишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва маҳаллалар билан ҳамкорлигини ташкил этишда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган. Жумладан, шаҳар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш давомати паст бўлиб бу кўрсаткич ҳай'ат йиғилишида таҳлиллар асосида айтиб ўтилди. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига 2002 йил давомида жами 348 ариза, хат ва тавсифномалар келган бўлиб, уларнинг 209 таси тарбияси оғир ўқувчилар масаласида эканлиги ҳам юқоридаги ишлар ҳали етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Йиғилишда шунингдек, таълим бошқарув органларининг болалар бўш вақтини самарали

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА?

болалар бўш вақтини самарали ташкил этиш дастури асосида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғарақлари фаолияти билан ўқувчиларни кўпроқ қамраб олиш мақсадида, 100 дан ошқ мактаблар ва мавжуд 455 та маҳалланинг 214 тасида «Устоз-шоғирд», ҳайкалтарошлик, «Ёғоч-ўймақорлик», «Ёш хунармандлар», «Ёш мусавирлар», «Зардўзлик» ва болаларнинг қизиқишларига кўра бошқа гуруҳлар ва турли йўналишдаги спорт тўғарақлари ташкил этилганлигига эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳар маҳаллаларида бевосита балоғатга етмаганлар, шу жумладан ўқувчи-ёшлар билан 406 нафар педагог-тарбиячилар ҳамда 105 нафар педагог-ташкilotчи халқ таълими бўлиmlарига қарашли таълим ташкilotлари штат бирликлари ҳисобидан жойларда ишламоқдалар. Маҳаллаларда ҳамкорликда ташкил этилган 35 та клубларда фаолият кўрсатаётган 120 та турли тўғарақларга 11979 нафар ўқувчи жалб этилган. Шунингдек, маҳалла кенгашлари орқали ташкил этилган 214 та устоз-шоғирд тўғарақларида 1792 нафар ўқувчи касб-хунар ўрганмоқда. Улар орасида Ҳамза туманидаги Солнома, Юнусобод тумани Қашқар ва Бободехқон, Яккасарой тумани Туркистон, Акмал Икромов тумани Исломобод, Чилонзор тумани Бўстон ва Шарқ, Собир Рахимов тумани Чимбой ва Сағбон, Шайхонтоҳур тумани Обиназир ва Сархундон, Мирзо Улугбек тумани Янги ҳаёт, Ойбек, Навоий, Ёшлик, Хумоюн маҳаллалари фаолларининг педагог-тарбиячилари ўз худудларидаги умумтаълим мактаблари маъмурияти ва педагоглари билан педагогик ҳамкорлиги эътиборга моликдир.

Шаҳар қўшимча таълим мажмуасининг 4 та тўғарағи бевосита С.Рахимов туманидаги маҳаллаларда ва 120 та тўғарағи маҳаллалар худудида жойлашган мактабларда фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғарақларга 1504 нафар бола қамраб олинган. Шаҳар худудида жойлашган

жиддий эътибор қаратишган. Мазкур туман худудида жойлашган «Чимбой» ва «Сағбон» сузиш ҳавзалари, «Истиклол стадиони» ва 10-, 16-, 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги спорт секцияларига 5 мингга яқин ўқувчиларни жалб этганлар. Таълим муассасаларида ўтказилаётган спортнинг узлуксиз «Умид ниҳоллари» мусобақаларида қатнашган шаҳар ўқувчиларининг 111646 нафари ўзларининг қизиқишларига кўра спорт секцияларида мунтазам шуғулланишмоқда.

Йиғилишда болалар бўш вақтини самарали ўтказиш бора-сидаги саъй-ҳаракатлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 2003 йилнинг 2 ойи давомида 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 142 тадан 119 тага (16,2 фоизга) камайганлиги айтилди. Жорий йилнинг январ, феврал ойи давомида А.Икромов ва С.Рахимов туманларида мактаб ўқувчилари томонидан умуман жиноят содир этилмаган. Маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида гиёҳванд ва токсик моддаларни истеъмол қилишининг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш бора-сидаги ишлар тарғиботи юзасидан «XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз» режали тадбирлар ўтказилган. 2002-2003 ўқув йилида ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш мақсадида ички ишлар, прокуратура, адлия, наркодиспансер, соғлиқни сақлаш ташкilotлари билан ҳамкорликда шаҳардаги ҳар бир таълим муассасасида 2 маротабадан учрашув ва суҳбатлар ташкил этилган.

Шаҳар мактаблари, маҳалла педагог-тарбиячилари ва оқсоқолларининг бевосита ёрдамида «Ота-оналар университетлари» фаолиятини йўлга қўйган. Ушбу жамоат ташкilotлари ташаббуси билан Юнусобод туманидаги таълим муассасаларида «Қариси бор уйнинг париси бор», «Бободехқон қариялар учун концерт дастури», «Наврўз» таомлари кўрғазмаси», «Аждодлар мероси», «Маҳалла болалари» мавзуларида тарбиявий тад-

ри, маҳалла кўмиталари иштирокида тарбияси оғир ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва тўлиқ бўлмаган оилалар билан тумандаги 52, 307, 69, 244, 204, 255, 282, 152, 61, 151, 77-мактабларда турли мавзуларда учрашувлар ўтказган.

Бектемир туман ички ишлар бўлими рўйхатидаги ҳеч қаерда ўқимайдиган 6 нафар ўқувчи турар жойлари ва маҳалла кўмиталари билан олиб борилган ҳамкорликдаги ишлар натижасида мактабга қайтарилган. Шайхонтоҳур туманидаги Обиназир маҳалласида чет тилларни ўргатиш, тўқиш, бичиш-тиқиш тўғарақлари, Сархундон маҳалласида истиқомат қилувчи 350 нафарга яқин мактаб ёшидаги болалар зардўзлик, бичиш-тиқиш тўғарақларига жалб этилган.

Мирзо Улугбек туманидаги умумтаълим мактабларининг 3 мингдан ортиқ ўқувчилари Янги ҳаёт, Ойбек, Навоий, Ёшлик, Хумоюн, Шодлик, Навбахор, Азамат маҳалла оқсоқоллари ва педагог-тарбиячилари кўмағида «Мўъжизалар оламида» клубларининг 20 га яқин тўғарақларида шуғулланмоқда.

Туман методика кабинетлари ва қўшимча таълим муассасалари томонидан ўқувчиларининг бўш вақтини ташкил этиш бора-сидаги педагоглар жамоаларининг иш тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш учун баҳолаш мезонлари ва методик тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, Мирзо Улугбек тумани қўшимча таълим муассасаси йил давомида «Бошланғич жамоалар сардорларига йўриқнома», «Омавий тадбирларни ўтказишда миллий халқ қадриятларидан фойдаланиш», «Тўғарақ раҳбарига маслаҳатлар», «Иқтидорли болалар билан ишлаш» каби қатор тавсияларни тайёрлаб, ўқитувчи ва маҳаллаларнинг педагог-тарбиячиларига етказган.

Яккасарой тумани методика кабинетини томонидан 2003 йилда «Ўқувчилар ўртасида қонунбузарлик, жиноятчилик ва гиёҳвандликларнинг олдини олиш», «Таълим муассасаларининг ҳуқуқ тартибот-ташкilotлари билан

ташкilot этишда камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли шаҳар кўчаларида 62 нафар бола тиланчилик ва дайдилик билан ички ишлар идораларига келтирилганлиги айтиб ўтилди. Улардан 48 нафари мактабларга қайтарилган, 3 нафари мактаб-интернатларга, 7 нафари меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган. Биргина Мирзо Улугбек ва Чилонзор туманларидан 33 нафар вояга етмаган болалар дайдилик ва тиланчилик билан кўчаларда юрганлиги учун милиция таянч пунктларига олиб келинган.

Ўқувчилар бўш вақтини самарали ташкил этиш бўйича тўғарақ раҳбарларининг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш Шайхонтоҳур туманидан ташқари бирорта туманда амалга оширилмаган.

Сирғали туман халқ таълими бўлимида ўқувчилар бўш вақтини сермазмун ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган Дастур ижроси назоратсиз аҳволда.

Бектемир тумани халқ таълими бўлимида кадрлар кўнимсизлиги мавжудлиги туфайли туман вояга етмаганлар комиссияси, маҳалла посбонлари, педагог тарбиячилар, маҳалла кўмиталари билан ҳамкорлик ишлари талаб даражасида эмас.

Ҳамза, Яккасарой, Чилонзор туманларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш ва синфдан ташқари ишлар бўйича тузилган ҳаракат дастури мактаблар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларга етиб бормаган. Бу борада Ҳамза, Чилонзор, Яккасарой туманлари мактабдан ташқари таълим муассасалари томонидан ҳеч қандай тавсия, йўриқномалар яратилмаган, семинар-тренинглари ўтказилмаган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳай'ат мажлиси мазкур соҳага бевосита алоқадор бўлган ХТВ тизимидаги республика ташкilotлари ва вазирлик бошқармаларига шунингдек, вазирликнинг худудий бошқармаларига махсус кўрсатмалар бериб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,  
Халқ таълими вазирлиги  
Матбуот маркази раҳбари

## МОЗИЙДАГИ ЁҒДУЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Навоий вилоят ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат» маркази, Навоий вилоят педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Навбахор туман халқ таълими бўлими, «Қамолот» ЁИХ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 667 йиллиги муносабати билан «Амир Темур меросини ўрганиш» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман Навбахор туманидаги Амир Темур номли 21-умумтаълим мактабида ўтказилди. Анжуманни туман ҳокими, Олий мажлис депутати Фулом Облоқулов кириш сўзи билан очиб иштирокчиларни самимий қутлади. Шундан сўнг, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари профессор С.Иноятов «Амир Темур меросини ўрганиш»; 21-мактаб директори С.Алиқуловнинг «Миллатимиз бой меросини ўрганиш барчамизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи керак», вилоят педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори А.Бобомуродовнинг «Амир Темур ва темуррийларга эҳтиром» мавзуларидаги маърузаси тингланди. Шунингдек, мактаб педагоглари янги педагогик технология асосида ташкил этган «Соҳибқирон бобомиз ҳаётини ўрганиш», «Амир Темур бобомизнинг ёшлик йиллари», «Мамлакат ободончилиги йўлида Амир Темурнинг олиб борган ишлари», «Ўзбекистон — ватаним меним», «Кўҳна дунё каби яшар соҳибқироним» мавзулари бўйича очик дарслар ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ва меҳмонлар иштирокида ўтказилди. Амир Темурнинг кўҳна «Кармана», «Ижент», «Сармиш», «Дабусия кальаси», «Хўжа Дегароний», «Маликработ» каби қадимий ёдгорликларни бизгача етиб келишдаги хизматлари очиб берилди.

Ўткир ПЎЛАТ

## КАМОЛ ТОПАВЕР, «КАМОЛОТ»

Пойтахтимиздаги Тошкент педагогика коллежида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкilotининг икки йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, талаба-ёшларнинг мустақкам илм олишлари, бир-бирига елкадош бўлиб талабалик гаштини суриш каби мазмунли ҳаётдан баҳраманд бўлишларида мазкур ҳаракатнинг дастури уларга қўл келмоқда. Зеро, бу борада амалга оширилган ишлар ёшлар ҳаётида ўз тасдиғини топмоқда. Айнақса, иқтидорли ёшларга берилаётган эътибор ҳамда турли қинғир йўлларга кириб кетишнинг олдини олиш каби вазифаларнинг бажарилаётгани таҳсинга лойиқдир. Тадбирда мана шу масалалар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Сўнгра ҳаётини мисолларга бой сахна кўринишлари ҳамда ҳазил-мутойибага йўрилган бадиий чиқишлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этишди.

Мунаввархон МАРҚАЕВА,  
коллеж талабаси

**Биз учун доимо жумбоқ бўлиб қолган сахна санъатининг ўзига хос фалсафаси, ўз ҳикмати бор. Юрагимизда пайдо бўлган кучли истак санъатни қалб мулкига айлантира олган таниқли актриса Римма Аҳмедованинг гўзал ва бой дунёсини тафтиш қилишга ундади.**

### Меҳмонхона



шининг бир ҳолатдан иккинчисига тезда ўтиши жудаям қийин. Бу рол қахрамони йиғлаб туриб, бирдангина куларди. «Паранжи сирлари»даги Мастура сатангни, «Алдагани хотин яхши»даги ичувчи аёлни жуда яхши кўрдим. Овоз берган фильмлардан «Исмингни унутма» бадиий фильмидаги овоз берган қахрамоним ўзимга жудаям яқин эди. Агарда эсласам, бир-иккита спектаклларнинг

хаёт-да... Хаётнинг шафқатсиз қонунларига амал қилишга мажбурсан, касби-миз нозик. Ўзини-ўзи ҳар тарафлама шакллантириб, мукамал бўлишига инсоннинг ўзи ҳам сабабчи бўлади. Агар унинг тафаккурида бўшлиқ бўлса, ўша бўшлиқларни мутолаа ва ҳаётни теран кузатиш орқалигина тўлдириш мумкин. Унда ҳар бир қилаётган ишига муносабати бошқача бўлади. Театримизга янги режиссёр Валижон Умаров келди. Унинг спектаклларини кўрганман. Энди театримизнинг обрўи аввалгидек бўлсин. Бунинг учун репертуар танлаш, актёрларнинг ишга муносабати ва режиссёрнинг фаоллиги керак. Ҳозир қанақанги имкониятларимиз бор: театрга яхши

### Устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Мен Аброр Ҳидоятлов номидаги театрнинг рўпарасидаги 42-мактабда ўқиганман, биринчи ўқитувчим Анна Михайловна исми опа эди, кейинчалик Раиса Ефимовна дарс берганлар. Менга рус тили ва адабиёти фанидан дарс берадиган Михаил Дмитриевичнинг таъсирлари катта бўлган. Шу киши туфайли менда адабиётга, санъатга меҳр уйғонган. Ўқитувчимиз шеърни юрак-юракдан ҳис қилиб ўқирдики, биздан ҳам шуни талаб қиларди. Агар болалар баҳо учун шунчаки шеър ёдлаб келса ёки бирор бадиий асарни юзакки ўқиган бўлса, қаттиқ ранжирди.

Михаил Дмитриевич ўқувчилари ижодкор, артист бўлишини жуда-жуда истар эди.

Инсоният доимо маърифат аҳлига эҳтиёж сезиб келган. Мактаб — илм-маърифатнинг остонаси, бешиги. Баъзи ўқитувчилар ўз иш жойларини тарк этиб, турмуш тарзини яхшироқ қилиш учун жамиятнинг бошқа соҳаларига ўзини урапти, бу жуда хавфли нарса. Ўйлайманки, бунинг олдини олиш учун ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлаш керак.

Тарих фанидан дарс берувчи ўқитувчилар ўз фанини анча кенг билишлари лозим, чунки бу фан анча нозик. Ҳар бир шахс ўз миллатининг чуқур илдизларини англаб етиши шарт. Ўз ўтмишини билмас экан, у келажagini, истиқболини кўра олмайди.

Юксак маданиятли, илми баланд инсоннинг қўлидан ёвузлик келмайди. Ҳар бир ўзбек боласи мана шундай инсон бўлишини истайман. Миллат болаларининг эртанги тақдири бу зиё тарқатувчиларга боғлиқ. Яна ҳар бир ўқитувчи ўз олдида илминини албатта ўқувчиларга сингдирай, булардан яхши одам чиқсин деб, мақсад қилишини истайман. Бунинг учун уларга соғлиқ, мустаҳкам ирода ва бағрикенглик тилайман.

**— Бугунги кунда, баъзида театр репертуарларида саёз спектакллар ўрин олганини кўрамиз. Сизнинг бугунги театрдан кўнглингиз тўлмаган томонлар борми, умуман бугунги театр қандай бўлиши керак?**

— Режиссёр Гинзбург айтди, «Томошабин сени бозорда кўрмаслиги керак, бугун Корделияни ўйнаб туриб, эртага тўрт кило картошкани кўтариб томошабин кўзига кўриниб, унинг таассуротини чиппака чикарма». Лекин бу барибир

кечмайди. Томошабинлар фақат санъатнинг ярқирок томонини кўришади. Аммо санъаткор ҳаётнинг қозонда қайнаши, ҳамма изтироблари, дардлари сахна ортида қолиб кетади. Инсоннинг «юраги танасидан катта». Шунда сизга мана шу юкларни кўтаришингизга ким ёки нима руҳан мадад бериб турарди?

— Ҳар кимнинг ҳаётида яхши кун, оғир кун бўлади. Оғир пайтда ёлғиз қолишни истайман. Бунинг давоси вақт. Энг даҳшатлиси ўзимни айбдор деб ҳис қилишим. Агарда ўзимни айбдор ҳис қилдимми, албатта бориб кечирим сўрашим шарт. Кайфиятим бузуқлигини бировга билдиришни истамайман, чунки бугун у инсоннинг кайфияти яхши. Худо бу синовни менга берган, буни енгиб ўтишим керак ва енгман. Фарзандларим мадад бериши мумкин.

Руҳан сиқилган пайтларимда фақат ўзимгагина таянаман, албатта бу жуда оғир.

**— Ҳаётда нимадан завқланасиз ва нимани қоралаб яшайсиз?**

### Римма АҲМЕДОВА:

# ТЕАТР — МЕНИНГ ТАҚДИРИМ!

пул ажратилаяпти. Актёрларни секин-секин элақдан ўтказгандай саралаб олиш керак, деб ўйлайман.

Уларнинг орасидан Шукур Бурхонов ва Сора опалар чиқади. Қанақа зўр актёрларимиз бор. Турғун Азизов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Жамшид Зокиров, Ҳожиакбар Нурматов, Ёқуб Аҳмедов, Яйра опа ва Рихис Иброҳимовалар... Булардан фойдаланиш керак. Эркиннинг битта ролга сарфлаган куч-қувватини кўриб, шундан сабоқ чиқариш лозим. Умр шувиллаб ўтиб кетар экан. Ўзим ҳам 60 ёшдан ўтаётганлигимга ишонгим келмайди. Ҳаётда шошилиш керак, ундан улуш олиб, халққа туҳфа этиш лозим.

**— Ижро этган ролларингиздан қайси бири сизга яқинроқ, ўзингизга кўпроқ ёқади.**

— Ижро этганларингиздан қайси бири сиздан узокроқ, десангиз тўғрироқ бўларди. Актёр қайси ролининг яхши кўрмайди, дейсиз... Мардикор аёл образини ўйнаганман, ўзимга жудаям ёқади. Чунки бу образда ранг-баранглик кўп эди. Ки-

репертуари яқинлашаверса, юрагим гаш бўларди, чунки ҳазм қилолмаганман ёки асар ёқмаган. Баъзан, режиссёр эпизодга қарши ҳолда бир эпизод киритарди, бу эпизод актёр учун мутлақо бегона. Шундай пайтларда «бу меники эмас, мен ўйнаганимда бошқача қилардим», деган ўй ўтарди хаёлдан.

**— Римма опа, сиз шеър ўқиётганда атроф сув куйгандек жимжит бўлади...**

— Шеърни ёшлигимдан жудаям яхши кўрдим, уни қанақадир ич-ичимдан ҳис қилардим. Ичимда овозимни чиқармасдан шеър ўқишни яхши кўрдим. Саҳнада шеър ўқишдан доимо чўчирдим. Бир кун кўлимга шоир Усмон Азимнинг тўплами тушиб қолди. Унда «Ҳаёт кўшиги» деган шеър бор эди. Саҳнада ўқиган биринчи шеърим ҳам шу. Ҳозир ҳам ички ҳолатимга қараб, шеър ўқигим келиб қолади. Саҳнадамас, ҳамма ухлаб ётганда китоб varaқлаб, ўзимнинг юрагимга яқинроқ шеърларни топиб, такрор-такрор ўқийман.

**— Санъаткорнинг ҳаёти бир текис, силлиқина**

— Ҳаётда қайси соҳада бўлмасин ўз касбининг устасини кўрсам, завқланаман. Ҳар бир касб эгаси ўз соҳасининг пири бўлиши керак. Қойил қолдира олиши лозим. Мени ташвишлантирадигани, энг ёмон кўрганим бу — ёлғон. Ёлғон ўзининг кетидан кўп нарсаларни судрайди. Ёлғон гапирган одам, демак гуноҳ иш қилган. Бир хил ёлғон бўлади бу «савоб ёлғони». Масалан, икки дўст арзимаган нарса туфайли урушиб қолган, аммо бир-бирини яхши кўради. Шуларнинг бирини кўриб, «кеча мен уни кўргандим, сизни ҳурмат қилар экан», деб уларнинг ярашишига кўмаклашадиган ёлғон бу — «савоб ёлғони».

Мен уч нафар фарзандни ўстириб катта қилган бўлсам, болалигидан онгига бир нарсани сингдирардим: «нимаки иш бўлса, келиб «ая мен шуни қилиб кўйдим», деб рост гапирганинг учун раҳмат айтаман, сенинг кўнглинг ҳам «аямга айтдим», деб хотиржам бўлади». Энг даҳшатлиси, фарзанднинг ўз онаси кўзига қараб ёлғон гапиришидир.

Она ўз фарзандининг қош-кўзига қараб рост гапиряпти-

ми, ёлғон гапиряптими, биллади. Бироқ ўзларига сездирмайди.

**— Аёлни нима юксалтиради?**

— Аёлни оналик меҳри, юмшоқлик, оиласига, турмуш ўртоғига, фарзандларига садоқат юксалтиради. Аёл киши ифбатли бўлиши керак. Овозини баланд қилиб гапирадиган аёллардан чўчийман, назаримда бунақа аёллар кўп ўзига ишониб кўйгандек.

Менга ҳамкасбларим «Сиз пазандасиз», дер эди. Йўқ, мен ҳеч қанақанги пазанда эмасман, фақат меҳр билан таом тайёрлайман. Фақат ўзим ейишим учун ёки мактов учун эмас, болаларим, уйимга келган меҳмонларнинг ҳам кўнглини олганимдан завқланаман.

Умуман аёл кишининг бисотида «билмайман» деган сўзнинг ўзи бўлмаслиги керак.

**— Сиз ким ёки қандай инсонни «идеал»ингиз деб биласиз?**

— Мен идеал инсон сифатида Ботир Зокировни айтишим мумкин. У кишида худо берган туғма истеъдод бор эди. Ҳар тарафлама биринчи эдилар. Шунақа инсон эдики, ҳеч қачон бировнинг дилини оғритмасдилар. Кўли гул инсон эди. Ҳаётда қанақа дардларга учраган бўлсалар, ҳаммасини ярим ҳазил билан енгдилар. Хуллас, мен учун ҳар тарафлама ибрат олса, арзигулик инсон эди.

**— Шоир айтган экан:**

*Бу дунёда армонсиз одам  
Бечоралар ичра бечора.*

**Сизнинг армонингиз нимада?**

— Албатта, шоирнинг гапи тўғри. Армонларим жудаям кўп...

Сора опа ва Наби ака учун Алехандро Кассонинг «Дарахтлар тикка ўлади» пьесасини кўймоқчи эдим, ҳаттоки бадиий кенгашдан ҳам яхши ўтган эди. Афсуски, насиб қилмаган экан...

Баъзан ўйлайман, актёрнинг ҳаётида қанча дарз кетган жойлари бўлса, буларнинг бари унинг юрагини чизиб бўлиб тилиб туради. Ҳеч қайсиси изсиз кетмайди.

Мен санъатсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Театр — бу менинг тақдирим!

**— Юрагимизда бизга ҳавола этишингиз мумкин бўлган яна қандай гаплар, истакларингиз бор?**

— Театрдан қарздорман, шу қарзимдан қутилишни истардим. Яна ҳеч бўлмаганда икки йил ишлаб берганимда эди... Театр мен учун кўп яхшилиқлар қилган, агар қарздор бўлсам, яхши кунларига қайтарай. Театрдан, раҳбариятдан, актёрлардан, айнақса ўзимизга замондош актёрлардан миннатдорман. Ҳозир худога шукрки, театримизнинг номи улуг, биноти кўркам бўлган. Театр репертуарларини номига, савлатига мос савияси баланд асарлар бойитиб турсин.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА  
суҳбатлашди.**

Кўпгина кўрик-танловларда адабиётчилар фаол бўлишди. Чунончи, "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови иштирокчиси Жиззах туманидаги ал-Хоразмий номидаги 32-мактаб ўқитувчиси Шоҳида Тўйланова ҳам беллашувда ана шу хусусиятини намоён эта билди. Муаллима 110-мактабнинг 8-"А" синфида "Буюк инсон фожиаси" мавзусидаги очик дарсини ноанъанавий тарзда бошлади.

Тепадаги қоғоздан ясалган ой ва юлдузлар шакллари, ҳазин мусиқа, магнитофондан эшиттирилаётган Улуғбек монологи — булар сизнинг синфда ўтирганингизни ёддан чиқаради, гўёки юлдуз тўла осмонга тикилиб, XV асрга саёҳатга чиққандек сезасиз ўзингизни. Шу аснода ўқитувчи қўлидаги шеърни айтди:

**Яссавий руҳини доим шод этиб,  
Навоий қаламин пок қўлда тутиб,  
Аждодлар хотирин дилда ёд этиб,  
Севиб ўрганамиз адабиётни.**

Сўнгра Мақсуд Шайхзода, унинг адабиётдаги ўрни, қалбларни ларзага солувчи "Жалолидин Мангуберди", "Мирзо Улуғбек" каби саҳна асарлари юзасидан савол-жавоб ўтказилди. Ўқитувчи томонидан келтирилган Мақсуд Шайхзоданинг ушбу фикрлари эса баҳс-мунозара моҳиятини янада тўлдирди: "Инсон руҳини тарбиялаш, одамда яхшилик унсурларини кўпайтириш, халқда гўзаллик ва нафосат туйғусини янада баланд даражага кўтариш... санъатнинг муқаддас вазифасидир. Бу муқаддас вазифага ўртоқларим қаторида мен ҳам бир қатра ҳисса қўшган бўлсам, демек, дунёда беҳуда яшамабман, деб ҳисоблашга ҳаққим бор..."

Ижодкор ўқитувчи Ш.Тўйланова ўз ўқувчиларини Самарқандга саёҳатга олиб бориб, Улуғбек расадхонасини кўрсатган ва видеоасвирга олган экан. Дарс жараёнида шу тасвир жуда қўл келди: видеолавҳа орқали янги ўқувчилар ҳам расадхона билан танишдилар. Танишув янги мавзуга улан-ди.

**Мавзу:** Улуғ инсон фожиаси.

**Дарснинг мақсади:** ўқувчиларга Мирзо Улуғбек, унинг жаҳон маданияти, илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маълумот бериш; султон ва олим ҳаётининг сўнги дамлари, фожиасининг туб сабаблари, ватанига, илмига садоқати ҳақидаги фикрлар асосида баҳс-мунозара ташкил этиб, ўқувчиларнинг муштақил фикрлашларини ўстириш.

**Дарс учун жиҳоз:** дарслик, Мақсуд Шайхзода тўпلامлари, Улуғбек портрети, тест саволлари, тарқатма материаллар, кўргазмалар, кўроллар, магнитофон, видеолавҳалар намоён этиш учун телевизор.

**Ўқитувчи:** Ҳурматли ўқувчилар! Шайхзоданинг ўзига хос ижодий жасорати нимада кўринади?

**Ўқувчи:** Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" асарини ўзига хос ижодий жасорат, деб айтиш мумкин. Чунки 1960 йилгача Улуғбек ҳақида, бир-иккита шеърдан бўлак бирорта йирик ижод намунаси яратилмаган эди. Шайхзода бу муҳим мавзуга адабиётда биринчи бўлиб мурожаат этди ва трагедия яратди.

**Ўқитувчи:** Ҳа, Шайхзода ўзининг тарихий қаҳрамонига муносиб асар ярата олди. Улуғбекдай ёрқин юлдузни бадиий кашф қилиш иштиёқи, унинг ҳамма қирралари ва жилваларини намоён этиш орзуси шоир қаламига раҳнамо бўлган. "Мирзо Улуғбек" трагедиясида XV асрдаги тарихий ҳақиқат бутун мураккаблиги билан кўрсатилган. Сиз, муҳтарам ўқувчилар, асар матни билан танишиб келгансиз. Бугунги дарсда эса матнга таянган ҳолда фикрлашамиз. Сизга қай-

си шеърини парчалар манзур бўлди? Уларда Улуғбек табиатининг қайси жиҳатлари намоён бўлади?

**1-ўқувчи:** Мархабо, эй, самовотнинг олтин йўлчиси!

**Нега белинг шунча букик,  
чарчаб қолдингми?  
Ох, азизим, минг-минг йироқ  
йўллارда**

**Юрган йўлчи толиб қолса  
таажжуб эмас!  
Аmmo доим умидворсан.**

**Тўрт-беш кун ўтгач,  
Белинг ростлаб, қоматингни  
тўғрилайсан-ку!**

Менга ёққан ушбу шеърини сатрларда чарчамас, толмас олтин йўлчи-юлдузларга муҳаббат қўйган буюк мунажжим олим сиймоси гавдаланди. Улуғбек юлдузларнинг умидворлиги, чарчаб букилган белини оз ўтмай ростлаб олишини кузатар экан, тоифа юлдузларнинг бир-бирларига меҳрибонлигига ҳавас билан қарайди, уларга оқ йўл тилайди. Улуғбек юлдузлар билан ҳамсухбат бўлади. Инчунун, юлдузлар буюк аллома ҳаётининг ажралмас бўлагидир.

**2-ўқувчи:** Улуғбекнинг коинотта муҳаббати ёшлигидан бошланган. Уша вақтдаёқ юлдузлар унинг оромини ўғирлаган эди:

**Билмак, бутун коинотга**

**сирдош бўлмоқлик,**

**Китобларнинг лолтили-**

**ти-**

**га  
қулоқ  
солмоқлик.  
Ҳақиқатгўй  
донолардан таълим  
олмоқлик,  
Менга ором бермас эди  
ўша  
чоғларда.**

**3-ўқувчи:** Улуғбек тоза ва мусаффо осмондаги юлдузлардан одамларни ибрат олишга чақиради. Маърифатни ҳукуматга раҳнамо қилади, инсонларнинг билим билан юксакликка кўтарилишини орзу қилади; одамларнинг олижаноб, пок, маънан юксак бўлишини, зулмат ичида кўрдай турганини яшамай, ҳаёт йўллари ақл нури билан ёритиб яшашларини истайди.

**Эй, одамзод, ибрат олгин  
юлдузлардан сен.  
Хайрихоҳлик ва баландлик  
хислатларига.**

**Шалтоқларда авнамагин,  
кўтарил юксал,  
Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахт-  
сизлик афзал.**

**4-ўқувчи:** Улуғбек илмни улуғлайди, талабаларга шундай маслаҳат беради: илмни тушунарли тилда айтмоқ керак, мавлоно Хоразмийнинг тўқсон олим, юз талабага берган баъмани дарсини Қозизода ва ўзидан бошқалар тушуна олганини эслатади, Улуғбекнинг илмпарварлигини қадрлайман, мана унинг илм ҳақидаги фикрлари:

**Илм инсон кўзин очар,  
қулоғин очар,  
Фан мияга игрок билан  
ёруғни сочар.  
Фан мияга кирган жойда, билинг,  
муҳаққақ,  
На шайтонга ўрин бордир ва на  
фолбинга.**

**5-ўқувчи:** Улуғбекнинг шоҳликдан олимликни устун қўйиши менга маъқул бўлди. У илм яхшиликка, тараққиётга хизмат қилишини башорат қилган эди:

**Замон ўтар, ваҳшат битар,**

**ёмонлик кетар,  
Ўзгаради гунёмизда динлар,  
миллатлар.**

**Ўзгаради миллатларга тиллар,  
одатлар.  
Аmmo фаннинг шавкатига  
чўкмайди губор.**

Ўқитувчи: Улуғбек фақат илм, юлдуз, коинотни севганми?

**6-ўқувчи:** Йўқ, Улуғбек юлдузларни севганидек, Фирузани ҳам ардоқлаган, жон бераётганда ҳам Фирузанинг қўллари ушлаб видолашган:

**Ўлганда ҳам мен кўлингни  
адаштирмайман,  
Кўлинг сиқиб, бу гунёдан  
кўзим юмарман.**

**7-ўқувчи:** Улуғбекнинг Ватанига, элига, Самарқандга муҳаббати ўзгача:

**Ортиқ тамом, гурбатларга**

**гайғиб  
юрмоқдан  
Ш у**

**ватанга ша-  
ҳид бўлмоқ олий  
саодат.**

**8-ўқувчи:** Ҳа, Улуғбек Самарқандни севади, 40 йил салтанат тебратиб ўзга юртда хоки қолишини истамасди:

**Яъни, тирик қайтолмасам**

**Самарқандга мен,  
Бу шаҳарга кўмилгуси таним  
ҳар қолда.**

**Ўз ўғлини наҳот четга қўйса  
Самарқанд?  
Наҳот, қирқ йил меҳнатининг  
эвазига мен,**

**Самарқандни севади, 40 йил салтанат тебратиб ўзга юртда хоки қолишини истамасди:**

**Яъни, тирик қайтолмасам  
Самарқандга мен,  
Бу шаҳарга кўмилгуси таним  
ҳар қолда.**

**Ўз ўғлини наҳот четга қўйса  
Самарқанд?  
Наҳот, қирқ йил меҳнатининг  
эвазига мен,**

## Bir soatlik dars

ўртасидаги адоват нимадан келиб чиққанини билиш керак. Балки шаҳзода атрофидаги Аббос сингари жаҳолатпарастлар таъсири кучли бўлгандир?

**12-ўқувчи:** Мени бошқа нарса ўйлантиради. Ўзвучи Миразиз Аъзамнинг китобида келтирилишича, шаҳзодалар бувилар қўлида тарбияланган экан. Абдулатиф ҳам Улуғбекдан латиф ҳам Улуғбеким қўлида тарбияланган. Агар ота-бола айру яшамаганда бу иш бўлмасми? Ахир, меҳр кўзда-ку!.. Дарс жараёнида

ўқувчилар ўз фикрларини исботлаш учун ҳадислар, мақоллар, шеърини парчалардан ўз ўрнида фойдалана билдилар. Ўқитувчининг ота-онани улуғлаш лозимлиги ҳақидаги фикрлари, ота ҳақида ўқиган шеърини ниҳоятда таъсирчан эди. Синф ўқувчилари ижро этган саҳна кўриниши, унга мос танланган костюмлар, "Ўйла, изла топ!", "Қизикарли саволлар" берилиши дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Очиғи, Ш.Тўйланова дарсда ўзи фаол бўлди, тўғри, ўқитувчи қўшимча манбалардан Улуғбек ҳақида кўп маълумот тўплагани учун ўқувчиларга шуларни етказишга ҳаракат қилди. Аммо унутмаслик керакки, бизга фаол ўқитувчи баробарида фаол ўқувчи ҳам керак. Кўпроқ ўқувчини гапиртира олсакки мақсадга эришамиз.

Ш.Тўйланова дарсини "Олим ва ҳукмдор Улуғбек" мавзусида уй иншоси ёзиб келишни вазифа қилиб топшириш ва Улуғбек монологини ўқиш билан якунлади.

**Васиятим, васиятим!  
Ким ҳам эшитгай,  
Мулким йўқки, бировларга мерос  
қолдирсам,**



**Ўз шаҳримдан икки газлик ер  
ололмасам.**

**Ўқитувчи:** Азиз ўқувчилар, сиз келтирган шеърини парчалар орқали Улуғбекнинг фазилатлари, илмига, ёрига, ватанига чексиз муҳаббати, айна вақтда шох ва олим Улуғбек табиатидаги айрим хусусиятлар билан танишиб олдик. Сўнги савол эса Улуғбекнинг фожиали ўлимига алоқадор бўлиб, бу фожианинг сабабчисини топишимиз керак. Абдулатифнинг тахт учун отасини ўлдиришига бош қўйиши — падарқушлигини оқлаш мумкинми?

**10-ўқувчи:** Асло, оқлаб бўлмайди. Ахир, отага қўл кўтариш у ёқда турсин, ота ўтирган уйнинг томига чиқиш мумкин эмас-ку!

**11-ўқувчи:** Абдулатиф ва Улуғбек

**Ҳазинам йўқ, бировини бойитиб  
қўйсам.**

**Меросимдир китобларим ва  
жадвалларим.**

**Бир мероски, замон уни маҳр  
этолмайди,**

**Бир мероски, ворислари бу ватан  
аҳли,**

**Бир мероски, баҳра толар  
ундан ер юзи.**

**Дарсни "Маърифат" муҳбири  
Маҳмуда ВАЛИЕВА кузатди  
ва оққа кўчирди.**

**Суратда: "Йил ўқитувчиси-2002" кўрик танлови республика босқичи иштирокчиси Жиззах туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси Ш.Тўйланова дарс пайтида.**

**Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.**

# КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллигига бағишлаб мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ва ўқувчилари ўртасида «Конституциямиз бахтимиз пойдевори» шиори остида Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Бадий Академиясининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мазкур қўшма қарорни қабул қилишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларга Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини пухта ўргатиш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, мамлакат Бош қомусининг демократия, адолатлилик ва инсонпарварлик тамойилларини энг яхши тасвирий воситалар, фотоальбомлар, баёнлар, иншоларда акс эттириш, аҳоли ва ота-оналар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборатдир. Ушбу вазибалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-1322 сонли фармойишида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 11 йиллигини таълим-тарбия муассасалари ва маҳаллаларда кўтаринки руҳ, ижтимоий фаоллик билан нишонлашга тайёргарлик ишларини кучайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Қўшма қарор билан танловнинг янги таҳрирдаги Низоми, уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита, ҳакамлар ҳайъати, эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилик, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими, адлия бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадий Академияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларига ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишнинг муҳим шартларидан бири эканлигини ҳамда танловнинг мазмун-моҳиятини педагогик жамоалар, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишни йўлга қўйиш, кўрик-танловнинг барча босқичларини низомга мувофиқ ўтказиш, унда мавжуд барча умумий ўрта таълим мактабларининг иштирок этиши устидан назоратни кучайтириш каби бир қатор вазибалар белгиланган.

Кўрик-танловни ўтказиш ташкилий кўмитасига 2003 йилнинг 20 апрелигача кўрик-танловга тақдим этилган ижодий ишларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш жойларга етказиш юкланган бўлиб бугунги кунда бу борада ишлар жадал олиб борилмоқда.

## «Конституциямиз-бахтимиз пойдевори» шиори остида ўтказиладиган Республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

### I. Умумий қоидалар.

Кўрик-танловни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари, муассаса ва ташкилотлари ҳамкорликда ўтказиладилар.

### II. Кўрик-танловнинг мақсади.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади — ўқувчи-ёшлар, ота-оналарнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, Республика Конституциясининг мазмун-моҳиятини пухта ўргатиш, унинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини ёзма ишларда, тасвирий асарларда, кўргазмалар воситаларда ифодалаш, тарғиб-ташвиқ қилиш, таълим муассасаларини маънавий-маданий, ҳуқуқий-ахлоқий мазмундаги кўргазмалар воситалар билан жиҳозланишини йўлга қўйиш, пировард натижада ўқувчилар ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни қонунларни билиш, ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

### III. Кўрик-танлов ўтказиладиган йўналишлар.

1. Кўрик-танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

5, 6, 7 - синф ўқувчилари ўртасида баёнлар, 8-11- синф ўқувчилари ўртасида иншолар танлови (кўрик-танловнинг 1-3 босқичида 1-4 - синф ўқувчилари ўртасида диктантлар танловини ўтказиш тавсия этилади).

2. Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини ифодалаб, ўқувчилар томонидан тайёрланган энг яхши тасвирий воситалар (расмлар, плакатлар, чизмалар ва ҳ.к) танлови;

3. Таълим муассасаларида, маҳаллада таълим-тарбия, ахлоқий-ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзуларда амалга ошириладиган ибратли тадбирлар, ҳашарлар, янгича маросимлар акс эттирилган фотоальбомлар танлови;

4. Конституциянинг мазмун ва моҳиятини ўқувчилар онгига пухта сингдириш, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, мактабларни, уларнинг ўқув хоналарини Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғоялари ва моҳиятини ёрқин ифода этган ҳолда безатиш, ўқувчилар ўртасида ахлоқий-ҳуқуқий мавзуда юқори самара берадиган тадбирларни ўтказиш, дарс жараёнида ўқувчилар ҳуқуқий таълим-тарбия-

сини намунали йўлга қўйиш орқали, кейинги 5 йил ичида ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан қонунбузарликка йўл қўймаган намунали мактаблар танлови;

5. Соғлом авлодни шакллантиришда йўналишида фидокорлик кўрсатаётган, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда юксак пировард натижаларни қўлга киритаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг бошланғич ташкилотлари танлови.

6. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлантирган, меҳнатсевар ёшларни тарбиялашда уларнинг ҳуқуқий билимларини яхшилаш йўлида самарали меҳнат қилаётган умумий ўрта таълим мактаблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари танловидан иборат бўлади.

Кўрик-танловни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита ҳар 6 йўналиш бўйича мусобақа шартларини бажаришга қўйилган меъёрий талабларни ишлаб чиқади ва жойларга етказиладилар.

### IV. Танлов босқичлари.

Кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич – апрель-май ойида умумий ўрта таълим мактабларида, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларида;

Иккинчи босқич – май-июнь ойларида туман(шаҳар)лар миқёсида;

Учинчи босқич – сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

Тўртинчи – Республика босқичи - декабрь ойида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 11 йиллигини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида мазкур низомнинг 3-бўлим 4,5,6-бандларида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши туманларда кўрик-танловни ўтказиш бўйича вилоятлар ҳакамлар ҳайъати, вилоятларда эса кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқади.

2003 йилнинг 10 октябригача кўрик-танловнинг учинчи босқичи натижалари бўйича қуйидаги ҳужжатлар кўриб чиқиш учун кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика ҳакамлар ҳайъатига топширилади:

1. Ғолиб ўқувчиларнинг вилоят ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари имзо-си қўйилган батафсил тақриз имлова қилинади ҳамда ёзилган баён ва иншо-ларининг асл нусхаси;

2. Ўқувчилар томонидан Конституция ва унинг алоҳида моддалари мазмун ва моҳияти акс эттирилган тасвирий асарларнинг асл нусхаси, уларга ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган тавсифлар;

3. Мазкур низомнинг 3-бўлим 3-банди бўйича тайёрланган фотоальбомнинг асл нусхаси ва унинг муаллифларига берилган тавсиф ва хулосалар;

4. Ушбу низомнинг 3-бўлим 4-банди бўйича ғолиб деб топилган умумий ўрта таълим мактабининг фотоальбоми, 15, 20 минутлик видеотасвири, мактаб фаолиятини жойида ўрганиб қайтган эксперт гуруҳининг расмий хулосаси ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда ҳакамлар ҳайъатига топширилади.

5. Низомнинг 3-бўлим 5,6-бандларида кўрсатилган йўналишлар бўйича Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тавсифлари ва тавсияси.

### V. Ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъати.

Кўрик-танловнинг барча босқичларини ўтказиш бўйича алоҳида ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг таркиби тасдиқланади. Ташкилий кўмиталар кўрик-танловни ташкил этиш, уни барча босқичларини низом талаблари асосида ижтимоий адолат тамойиллари асосида ўтказишни таъминлаш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш, ғолибларни муносиб тақдирлашда бошқарув идоралари ва ҳомийлар саъй ҳаракатларини бирлаштириш, кўрик-танловни юқори ташкилий уюшқоқлик ва таъсирчанлик тарзида ўтказиши устидан назорат юритади. Ташкилий кўмита раҳбарияти ва унинг аъзолари кўрик-танловни ўтказишда иштирок этаётган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ходимлари ва танлов йўналишлари (номинатсия) бўйича етук мутахассислардан иборат бўлади. Улар сони 7 нафардан 11 нафаргача бўлиши мумкин. Ҳакамлар ҳайъати ва ташкилий кўмита кўрик-танловларнинг қуйи босқичларида мусобақаларни ўтказиш жараёнида танлов низомининг бузилмаслиги устидан назорат юритиш ҳамда амалий ёрдам бериш учун жойларга ўз вакилларини юбориладилар. Юзага келган мунозарали вазиятларни ҳал қилиш мақсадида эксперт гуруҳлари ташкил этилади.

### VI. Ғолибларни тақдирлаш.

Танлов ғолиблари ҳар беш йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, уларнинг барча аъзолари имзо

чеккан баённомалари асосида тақдирланадилар.

Ижодий иншо, баёнлар, тасвирий асарлар йўналишида ғолиб чиққан ўқувчилар IV босқич мусобақаларини ўтказишдан 4 кун олдин мусобақаларнинг Республика босқичи ўтказиладиган жойга таклиф этиладилар ва бажарилган ижодий ишларини ўзлари мустақил тайёрлаганликларини мутахассислар олдида кўрик-танлов ўтказиш бўйича Республика ташкилий кўмитаси томонидан тасдиқланган тартибда исботлайдилар.

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолибларига қуйидаги мукофотлар топширилади:

Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларга пухта билим бериш, тарғиб қилиш, безаш йўналишида энг юқори натижаларга эришган мактаб жамоаси – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг бир синф комплектидаги замонавий компьютери билан;

Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши ёзма иш (6-7 синф ўқувчилари ижодий иншо, 8-9 синф ўқувчилари ижодий иншо) орқали ифодалаган ғолиблар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳамда Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг қимматбаҳо совринлари ва мақтов ёрликлари билан;

Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши тасвирий воситалар, расмлар, плакатлар ва фотоальбомларда ифодалаган ғолиблар – Республика Бадий Академияси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг қимматбаҳо совринлари ва мақтов ёрликлари билан;

ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга катта ҳисса қўшган «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг энг намунали бошланғич ташкилоти «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг қимматбаҳо совгалари ва фахрий ёрлиги билан;

ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, меҳнатсевар, ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини теран англайдиган ёшларни тарбиялашда фидокорлик кўрсатган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий таълим мактабларидаги бошланғич ташкилоти Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг совгалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланадилар.

Кўрик-танловнинг якуни – Республика босқичига ҳар 6 йўналиш бўйича фақат 1-ўринни эгаллаган ғолиблар таклиф этиладилар ва тақдирланадилар.

# ХАЁТ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРБИЁТ

Бутун инсоният ҳаёт тарзи тобора глобаллашиб бормоқда. Бундай жараёнинг асосий сабаби — илм-фан, техника тараққиёти. Шундан келиб чиқиб, кўшлар XXI асрни "ахборот асри" деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, ахборот ашмашувининг бундай космик даражада тезлашгани ҳар бир миллат, халқ турмушига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-маърифий тарбиёт масалалари ҳозирги пайтда ҳар доимидан кўра ҳам долзарб масалага айланган. Демак, маънавий-маърифий тарбиётсиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Маънавиятнинг тарбиёт этиш келажак туртида ҳар қандай давлат ва жамиятнинг энг кучли куроли экани рост.

Хусусан, ёшлар орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши ва унинг самараси ўлароқ ёшлардаги она-Ватанга самимий муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, миллий истиқлоҳ гоёсига содиқлик каби фазилатларни шакллантиришга ва янада такомиллаштиришга қаратилиши лозим.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази пойтахтимиздаги барча олий ўқув юрталарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида "Маънавий-маърифий тарбиётнинг долзарб вазифалари" мавзусида катта тадбир ўтказди. Мавзу муҳокама қилинган баъзи мунозараларга айланиб кетди. Буни ўртага ташланган кўйидаги саволлар мазмун-моҳиятини ҳам билди олса бўлади: "Олий ўқув юрталари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарбиёт бугунги талабларга жавоб берадими?", "Тарбиёт-ташвиқот ишлари ёшлар эҳтиёжини қондириштими?", "Ўтказилаётган тадбирлардан ёшлар қандай маънавий озиқ олмақда?", "Ёшларнинг ўзлари дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорми, уларга очик кўз — зиярак нигоҳ билан қарай оладими?", "Бозорларда савдо-сотик билан шуғулланаётган ёшлар орасида талабалар борми, улар онгида ҳам олд-сотди ёки чайқовчилик психологияси мавжудми?", "Талабалар ва ўқувчи ёшлар онгида ватанпарварлик ҳисси қандай шаклланимқда?"

Мазкур масалалар юзасидан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъуа котиби, "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов баъзи мунозарани бошлаб берди. У ёшларимизга билим меросини, жумладан, жадид боболаримизнинг фазилатлари, уларнинг ватанпарварлик, фидойилик, маърифатпарварлик қилдириш бугунги тарбиётнинг муҳим вазифаси эканини таъкидлади. "Айниқса, — деди нотиқ, — Ироқ атрофидаги вазият, у ерда давом этаётган урушга талаба ва ўқувчи ёшларимиз қандай муносабатда бўлмақдлар? Улар Ўзбекистон давлатининг позицияси ва миллий маффаатларимизга мис келувчи қарашга эгами?"

Тошкент Давлат Маданият институти проректори Абдуҳалима Мавролов маънавий-маърифий тарбиётда ижтимоий муважжал ва тасвирчанлик муаммолари, Тошкент Давлат молия институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Элшод Набиев назорат идораларидан келаётган юзлаб топириқлар маънавий-маърифий ишларнинг маъмурийлаштирилаётгани ва бу ортқиқа қозғонобликка олиб келаётганини тўртасига таъкидлади. Бундай ҳол касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳам учраётганини таъкидлади. Маънавий-маърифий ишларда баъзан расмиятчилик, курак маърузабозлик учраётгани ҳам айтилди.

Вазият атрофида муҳокама қилинган, иштироқчиларга маънавий-маърифий тарбиётни ташкил этиш бўйича Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг кўйидаги илмий-амалий тавсиялари берилди:

- маънавий-маърифий тарбиётнинг шакли ва мазмунан уйғунлиги, мунтазамлиги ва самарадорлигини таъминлаш лозим;
- олий ўқув юрталари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг ёшларнинг дунёқарашини, ёш хусусиятларини, қизиқишлар оламин, ўқув юрти касбий йўналишини жиддий ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозим;
- ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар курак маърузабозлик ва маърифатчиликдан, зерикарликдан, бир томонлама ташвиқотдан холи бўлиши, уларда тингловчи-иштироқчиларнинг фаол фикр аламушувига эришиш зарур;
- маънавий-маърифий тадбирларда кўрғазамлик ва замонавий электрон-техник воситалардан унумли фойдаланиш керак;
- ўқув юрталарида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ёшларнинг илгор вакиллари кўчларидан фойдаланишга, бунинг учун ҳар бир ўқув юртида "Ёш маънавиятчилар" клуби ташкил этиб, унинг мунтазам фаолият олиб боришини таъминлашга эришиш лозим;
- ўтказилаётган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирдан аниқ-тиниқ, чиндан ҳам, ёшлар онг-тафаккурини ўзгартиришга қаратилган мақсад ва шировадор натижага эришиш, амалга оширилган ишлар мониторингини ташкил этиш керак.

**Шамсиддин ЖУМАЕВ,**  
**Республика "Маънавият ва маърифат"**  
**маркази Ижтимоий-сиёсий ҳуқуқий тарбиёт бўлими мудири**

(Давоми. Боши 1-бетда)



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан яна бир улғу иш амалга оширилди. Фанлар Академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейида батамом янги, энг ноёб обидалар, ашёлар ва тарихий ҳужжатлар асосида тарихий-маданий тараққиётни ҳолисона намойиш эта оладиган, илмий асосланган яхлит экспозиция яратилди. Мазкур экспозиция мамлакатимизнинг барча худудларида маданий-маънавий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши узлуксиз давом этганилигини, миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва унинг эволюцион босқичларини илмий асосда кўрсатиб берди. Бу нарса янги экспозициянинг кўйидаги хусусиятларида янада яққолроқ кўринади. Биринчидан, музейда фақат ўз юртимиздан топилган, тош асрдан тортиб бугунги кунимизгача бўлган ўта ноёб ашёлар кўйилган. Ваҳоланки, дунёдаги кўпгина машҳур музейларнинг экспозицияларидаги ашёларнинг аксарияти бошқа юрталарнинг, ўзга халқларнинг маданияти маҳсулидир. Иккинчидан, музейда Ўзбекистон маданиятининг узлуксиз ривожланишига эътибор берилган — энг қадимги замонлардан бугунги кунимизгача бўлган ҳар хил даврларга оид тарихий ва маданий жараёнлар бир манتيқий чиққид, изчил кетма-кетлик тартибида берилган. Учунчидан, юртимизда инсон ва жамият ривожланиши, ишлаб чиқариш, фан ва маданият илк цивилизацияларидан бундан бошлаб узлуксиз тараққиётга эга эканлиги музей воситалари орқали ҳар томонлама очиб берилган. Тўртинчидан, ўзбек давлатчилиги жамият тараққиётини махсули сифатида мамлакатимиз худудларида шаклланишини ва муттасил ривожланиш борганилиги кўрсатилган.

Музей экспозициясида ўн мингдан ортиқ тарихий ва археологик ашёлар, ҳужжатлар, харита ва схемалар ҳамда юксадид ва юқори ишлаб чиқариш маданияти асосида яратилган ноёб хунармандчилик асарларидан намуналар кўйилган бўлиб, уларнинг баъзилари устида тўхталамиз.

Юртимиз худудидан бундан бир ярим миллион йиллар муқаддам энг қадимги инсон фаолиятининг маданий изларини жанубий Фарғонадан — Селунгур горидан топилган ёдгорликларидан нечоқ кўрсатади. Гордан бир неча юзлаб қайроқ тошлардан ясалган кўл чўқморлари, пайраҳалар, учириндилар ва инсон суяги қолдиқлари топилди. Селунгур тош қуроллари ўзининг кўриниши билан Африкадаги Танзанияда жойлашган Олдувей дарақсидан, Эфиопиянинг Омо воҳисаси, Исроилнинг Убадия, жанубий Хитойдаги Чжоу Коу Тянь горларидан топилган тош ашёларга ўхшайди. Селунгурдан топилган илк инсон суякларини homo erectus (тик юрадиган инсонлар) сирасига қиради ва у жаҳон фанига биринчи мартаба фарғанатроп номи билан кирди. Селунгурдан топилган ферантропнинг елка суяги ва тишлари ҳам, Чашма (Фарғона вилояти), Кўлбулоқ, Тошбой (Тошкент вилояти) ёдгорликларидан топилган ашёлар антропологияда илмида ҳукм суриб келаётган хато нуқтага назар — инсоният шаклланиган ўчоқлари фақат битта марказда, Африкадагина эмас, балки жаҳоннинг кўп марказларида бирварақайига, жумладан, Марказий Осиё

билан кўрғошин аралашмаси 9:1 нисбатда ва уни эритиш ҳарорати 930-1030 даража бўлиши кераклигини жуда яхши билишган.

Шу тариха кучли деҳқончилик ва металлургия асосланган, иқтисоди тараққиёт қилган Жарқўтон, Молали, Далварзин каби ўнлаб шаҳар марказлари пайдо бўлди. Булар ростманга ўзбек цивилизацияси ўчоқлари эди. Улар Хараппа-Хинд, Эрон, Месопотамия, Миср цивилизация марказлари билан бир қаторда турди. Бутун ўрта шарқда кичик-кичик шаҳар-давлатлар бўлгани каби бундан 3-3,5 минг йил муқаддам Жанубий Ўзбекистон худудларида воҳа-давлатчилик тизими

каллар, нақшлар билан безатирилган. Айниқса, қадимги музаввирлар томонидан ишланган ранг-баранг деворий суратлар диққатга сазовордир. Бу суратларда юрт осойишталиги учун қурашган ботирилларнинг ва ҳар хил маъбудаларнинг тасвирларини кўришимиз мумкин. Худди шу хилдаги деворий суратлар Тохаристондаги Болалик-тепа, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб, Ургут туманидаги Жартепа ҳамда Хоразмнинг Бирқатор ёдгорликларидан ҳам топилган. Бу ҳолат V - VIII асрларда юртимизда маҳобатли рангтасвир санъати кенг ва юксак даражада ривожланганини кўрсатиб турибди.

VIII асрдан бошлаб араблар билан, нақшлар билан безатирилган. Айниқса, қадимги музаввирлар томонидан ишланган ранг-баранг деворий суратлар диққатга сазовордир. Бу суратларда юрт осойишталиги учун қурашган ботирилларнинг ва ҳар хил маъбудаларнинг тасвирларини кўришимиз мумкин. Худди шундай воҳа-давлатчилик жараёни Фарғона водийсида Далварзинтепа, Зарафшон воҳасида Узунқир мисоллари ҳам кузатилади. Бу жараён экспозицияда бронза горлари деворий суратлари декар қадр-қимматга эга эканлигини исботлаб турибди.

Яқинда Қизилқумдан (Навоий вилояти) топилган, бундан қарийб 7 минг йил муқаддам аждодларимиз қўли билан лойдан ясалган, бахтли тасодиф ила бутун сақланиб қолган хумчани кўриб хайратга тушасиз. Ҳа, аждодларимиз қадам-қадам тараққиётга интилиб яшаганлар.

Бугунги кунимиздан 4-5 минг йиллар аввал мамлакатимизда сунъий сугориш ва шудгорлаб экишга асосланган деҳқончилик маданияти шаклланди. Ўзбекистон худудларида эъланлаб бронза даври ёдгорликлари топилди. Жарқўтон, Сополи тепа, Молали тепа (Сурхондарё вилояти), Далварзин (Андижон вилояти), Чуст (Наманган вилояти) каби археологик ёдгорликлар шу сирага кирилади. Бу ерлардан топилган бугдой, арпа, сули, тарик, жийда, узум донлари қолдиқлари юртимизда деҳқончилик, богдорчилик маданияти жуда эрта шаклланишини исбот қилади. Энг муҳими, бундан қарийб 5 минг йил аввал аждодларимиз бронза металл эритиш технологиясини ўзлаштирдилар. Мис ва қалай ёки мис билан кўрғошин аралашмасидан бронза металлони кашф қилдилар. Ундан заргарлик буюмлари, меҳнат қуроллари ясадилар. Бундай ашёларнинг кўплаб турлари музей экспозициясидан жой олган. Аждодларимиз кундалик ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, металл эритиш технологиясини, у билан боғлиқ физик-кимёвий жараёнларни кашф этишган. Масалан, сифатли бронза олиш учун мис

шаклланди. Буни Шеробод дараёни хавзасидаги Жарқўтон илк шаҳар маркази харобалари ва унинг атрофида жойлашган археология ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин. Худди шундай воҳа-давлатчилик жараёни Фарғона водийсида Далварзинтепа, Зарафшон воҳасида Узунқир мисоллари ҳам кузатилади. Бу жараён экспозицияда бронза горлари деворий суратлари декар қадр-қимматга эга эканлигини исботлаб турибди.

Юртимизни истило қила бошладилар. Бу босқин-ўзтижасида бир қанча шаҳарлар ва қишлоқлар вайрон бўлди. Аммо аждодларимиз кўсда вақтда вайронларни қайта тиклаб, ҳаётларини изга туширишга эришдилар. Чунки, юртимизда азалдан ҳукм сурган ижтимоий муҳит, яратувчилик, тараққиётга интилиш ҳисси кучли эди. Шу сабабдан ҳам Арабистон ярим оролида туғилган ислом дини бизнинг юртимизда сайқалланди, илмий асосланган илохий таълим сифатида жаҳоний юксакликка кўтарилди. IX-XII асрларда аждодларимизнинг ислом динининг илохий фан даражасига кўтарилишига қўшган ҳиссалари жуда салмоқли бўлди. Имом Бухорий, Имом Мотуридиди, Исо Термизий, Абдуҳолик Гиж-дуний, Бурхониддин Марғиноний каби улғу аждодларимиз ислом таълимини тушуштириш ва ривожлантириш йўлида оламшумул хизматлар қилганликларини бугунги кунда ислом дунёсининг барча олимлари тан олганлар.

Бу даврда жаҳон цивилизацияси раванакига улкан уллушларини қўшган, математика, астрономия, табииёт, табиат ҳақидаги фанларнинг шаклланишида буюк хизматлар қилган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Нафс Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби даҳоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу асрларда айниқса шаҳарсозлик маданияти яхши

Умуман олганда, ўтган кеча ҳам Ироқ пойтахти ҳаво ҳужумлари остида бўлди. Ўн олти маротаба кучли портлашлар кузатилаган. Асосан, ҳукумат бинолари нишонга олинган.

BBC телерадиокомпанияси хабарларига кўра, Бағдод

яқинидаги ҳужумлар давомида ўнлаб ҳарбийлар қаторида тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳалок бўлмоқда. Америка ҳарбий қўмондонлиги ўтган кечада ироқлик ҳарбийлар 320 нафар аскардан ажралганини тасдиқлаган. Аэропортга қўшни

шинасини ва битта дала ҳарбий базасини йўқ қилди. Хабарларга кўра, АҚШ аэропортдан Бағдодни ишғол қилиш операциялари учун таянч база сифатида фойдаланиши мумкин.

Кеча эрталаб эса, америкаликлар Бағдод атрофига бир неча йўналиш бўйича бўлиниб ҳаракатлана бошлагани маълум бўлди, дея хабар беради CNN. "Коалиция" кучлари Бағдодга жуда яқин қолганини Вашингтонда ўтган брифингда АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфельд ҳам таъкидлаган. Шу билан бирга Америка кучлари Бағдодни ишғол этишга энди шоянмасликлари мумкин. Ироқ пойтахтини қуршовда сақлаб туриш ва бу ерда вақтинча миллий муваққат ҳукумат тузилишига эришиш чоралари кўрилиши эҳтимоли ҳам бор. Ва бу амаллар келаси ҳафтада бўлиши кутиляпти...

## ИРОҚ: АЭРОПОРТ УЧУН КУРАШ

нинг юқори мартабали махсус гвардиясига тегишли эканлиги аниқланган. Кейинроқ бошқа ахборот агентликлари томонидан ушбу аэропортнинг тўлиқ эгалаб олинганлиги хусусида ҳам хабарлар тарқалган.



бўлган биргина Ал-Фурат қишлоғида 83 нафар ироқлик ҳарбий ҳалок бўлган. Япониянинг ТВС телекомпанияси аэропорт учун бўлиб ўтган жангларда америка кучлари 31 та зенит қурилмасини, 3 та бронетранспортёрни, 24 та юк ма-

## АЭРОПОРТ 1 СОАТГА ЁПИЛДИ



Олма-Ота халқаро аэропортида АН-30 русумли ҳарбий самолёт машғулотлардан кейинги кўнишни амалга ошириш чоғида хавфсизлик чизигидан ташқарига чиқиб кетган. Бахтли тасодиф туфайлигина самолёт командири ва 4 нафар экипаж аъзолари омон қолди. Воқеа сабаблари турлича талқин қилинмоқда. Айримлар самолётдан носозликлар ахтарса, бошқалар экипаж аъзоларини малакасизликда айблашни маъқул кўрмоқда. Самолёт аэропорт ички кучлари ёрдамида эвакуация қилинди ва бу пайтда 1 соату 10 дақиқа Олма-Ота халқаро аэропорти ёпиб қўйилди.

Француз олими, шифокор Мишель де Нотр Дам (лотинча Нострадамус деб аталади) 1503 йили Жанубий Франциянинг Сен-Рени деб аталмиш кичкина шаҳарчасида нотариус оиласида дунёга келди. Унинг ҳаёти жуда ғаройиб кечган.

Биз Нострадамуснинг кўраи заминда юз берадиган ҳодисалар ва ўзгаришларни олдиндан башорат қилганини кўп эшитганмиз. Мана 450 йилдан ортироқ вақт ўтдики, бутун жаҳон кишилари унинг китобларини ўқимокда, таназул пайтларида унга мурожаат қилмоқда. Зеро, Нострадамуснинг олдиндан ёзиб қолдирган башоратларидан кўпи ҳақиқатга яқин эди. У 1550 йилдан то 3797 йилгача бўладиган жаҳондаги айрим ўзгаришларни (асосан Франция, Европа ва Осиё давлатлари ҳудудидаги) астрологик аниқ ҳисобларга асосан 942 та катрен (тўртликлар)дан иборат "Юз йиллик" китобида ёзиб қолдирган. Бу тўртликларнинг барчасида ҳеч қандай аниқ маълумот бўлмай, балки уларнинг маъзани чаққан одамгина уни тушуниши ва қандай маъно беришини мулоҳаза қилиб, аниқлаши мумкин. Лекин ҳамма ҳам бу тўртликларнинг маъносини еча олмайди. Бунинг учун чуқур билим даркор. Аммо 1580 йилдан 1999 йилгача бўлган тўртликларда 12 та аниқ ва 150 та астрология асосида ҳисоб-

ланадиган маълумотлар берган. Яъни, коинотдаги сайёралар ва юлдузлар ҳаракатига асосан башорат қилган. Нострадамус: "Нима бўлишини олдиндан айтиб бериш, бу ҳозирги ва келажак авлодларимизга ёмон табиий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мен тўртликларимни топишмоқчи, номаълум, туманли қилиб ёздим ва астрология ҳамда табиий аниқ фикрлаш қобилиятига эга инсон бунинг ҳисоб-

найза кириб, вафот этиши тўғрисидаги башоратлари айнан ҳақиқатга тўғри келган.

Нострадамуснинг дунёнинг яратилиши, Одам Ато, Нух, Иброҳим, Довуд, Исо пайғамбарлар тўғрисидаги фикрлари кенг қамровли ва қизиқарлидир. Айниқса, унинг Шарқда мусулмон давлатлари кенгайиб, тараққий қилиб, XVII асргача кўп Европа давлатлари халқларини ўзларига бўйсундириб, асирлар

зеф Геббельснинг хотини Магда Геббельс 1939 йилнинг кузида Нострадамуснинг ушбу фикрларини эрига кўрсатади. 1940 йилнинг баҳорида немислар Бельгия, Франция давлатлари устидан самолётдан ташвиқот варақалари ташлайдилар. Бу варақалар "Нострадамус олдиндан айтган" деган жумла билан бошланади. Шунингдек, VI.72-тўртликда Россия подшоши Екатерина ва Распутин тўғрисида, 1.3-

кин бўлган жуда кўп тарихий воқеа ва ҳодисалар тўғрисида мажозий услубда ҳақиқатга тўғри келадиган башоратлар қилган.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, унинг "Юз йиллик" китобидаги башоратлар ҳаммасининг ҳам маъзи тўла чақилмаган ва ҳақиқатга тўғри келмайдиганлари ҳам бор. Умуман,

диндан башорат қилиш учун нимага аҳамият бериш ҳамда қайси сайёра ва юлдузлар ҳаракатини аниқлаш тўғрисида тайёр бир неча жадвал ҳам тузиб қолдирган.

Жаҳон астрономия фани етакчи олимларининг фикрича, Францияда Ал-Хоразмийнинг "Зиж" асари Кастилия (Испания)нинг машҳур арабшунос олими Аделард Бат томонидан 1126 йилги лотин тилига таржимаси асосида нашр қилиниб, кўп нусхада тарқалган. Бу эса, Нострадамус ва Казотнинг башорат қилишларини енгиллаштирган. Ал-Хоразмийнинг ишини Абу Райҳон Беруний давом эттириб, олдиндан кўп ҳодисаларни қандай башорат қилиш тўғрисида қўлланмалар ёзган. Бу тўғрида суриялик машҳур табиб ва тарихчи олим Христиан Иоанн Бар Эбрей (1226-1286 йиллар) шундай деган: "Беруний кўп фанларга асос солиб, астрология соҳасида ҳам фанга аниқ йўлланмалар киритди".

Биз шундай буюк боболаримиз билан фахрланасак арзийди. Шунинг эслатиб ўтмоқчимизки, мунажжимлар (астрологлар)нинг олдиндан башорат қилишлари аксарият ҳолларда ҳақиқатга тўғри келмайди.

Илҳом ШЕРМУХАММАД

## БАШОРАТ ВА ҲАҚИҚАТ

лаб ечади ва маъзани чақиди", деган эди. Шу сабабдан Нострадамус китобида воқеаларнинг изчил содир бўлиши тўғрисида ёзилмаган, бу эса тўрт асрдан бери кўлаб олимлар, астрологлар (мунажжимлар), астрономларнинг унинг тўртликларини илҳом билан аниқ тушуниши ва тафсиллашга уринишлари ва кўлаб изланишларга олиб келди. Башоратларнинг кўпчилиги Франция тарихига асосланган. Айниқса, Францияда 1555-1614 йилларда юз берадиган воқеаларни 1.54 тўртликда олдиндан башорат қилгани ҳақиқатга жуда яқин эди. Чунончи, француз қироли Генрих II (1547-1559 йиллар) тўғрисида унинг рицарлик олишувини (мусобақа)да кўзига

олиб кетишади, араблар мустамлакаси кучаяди, деган башоратлари ҳам ҳақиқатга тўғри келган.

Буюк башоратчи китобининг ҳеч бир жойида, "Россия" сўзини тилга олмаган. Лекин у ерлик халқларни шимолликлар, анбилонлар деб атаган ва 11.68-тўртликда Пётр I га доир фикрлари ҳам ишботини топган. 11.29-тўртликда эса Суворов ҳаёти, унинг сургунга бориши ва қайтиши, Италияга сафари, Альп тоғлари орқали юриши ва генераллисимум унвоига сазовор бўлишини олдиндан башорат қилди. Бундан ташқари, у фашистларнинг 1939-1945 йиллардаги босқинчилик уруши ҳақида ҳам башорат қилган. Шуниси қизиқки, Йо-

катренда эса 1917 йили Россияда инқилоб бўлиши, давлат тепасига янги одамлар келиши ҳамда қизиллар ва оқлар ўртасида ихтилофлар бўлиши тўғрисида сўз юритади. Ушбу китобда, шунингдек, Сталин тўғрисида маълумотлар, 1937 йилги оммавий қатагонлар ҳақидаги башоратлар ўрин олган. Айниқса, III.95-тўртликда қизиқарли маълумотлар башорат қилинган. Унинг таҳлили орқали коммунизм ғоясига барҳам берилиши, ушбу тузумнинг кулаши ва одамларга ҳусусий мулкдор бўлишлик Аллоҳ томонидан берилган улғу инъом эканини билиб оламиз.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Нострадамус келажакда юз бериши мум-

## БУЮРТМА ҚОТИЛЛИК

Иркутскда кеча эрталаб "Байкал-отель" ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори В.Безденежний ўлдириб кетилган. "Тойота Ленд-Крузер" русумли автомашинасида ишга кетаётган директор қаршисидан отилаётган иккита автомат ўқларига табиийки, чап беришга улгурмади. Хайдовчи дастлабки ўқ отилишидаёқ автомобилдан ўзини ташлаб юборгач, у қарама-қарши йўналишда турган "Зил" юк машинасига бориб урилган. Жиноятчилар яширинишга улгурган. "Тез ёрдам" етиб келганда жабранувчи ҳали тирик эди. Лекин унга беҳато келиб теккан 5,45 калибрли Калашников ўқлари ўз кучини кўрсатди. Ички ишлар ходимлари воқеа жойида 20 дан ортиқ ўқ изларини қайд этди. Экспертиза хулосаларига кўра, қотиллар Вячеслав Безденежнийнинг орқа ўриндиқда эканлигини олдиндан билишган ва мўлжалда адашмаган. Қўшимча маълумотларга қараганда, В.Безденежний шу кунни чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатуви бир неча ташкилотларни ўзига бириктирган "Интурист" акционерлик жамияти бош директори сифатида иш бошлаши керак эди.

"Интернет" хабарлари асосида  
А.АЛМАТОВ тайёрлади.

## Turfa olam

## ДЕПСИНИШДАН ЮКСАЛИШ САРИ



Очигини айтганда, Олтинкул банк коллежи ташкил этилганининг дастлабки йиллари унинг учун қийин бўлди. 1996 йилда унга олим, профессор Шукуржон Маматкулов директор этиб тайинланди. Коллежга янги раҳбар келганидан нафақат ўқув юрти жамоаси, балки туман аҳолиси ҳам беҳад қувонди. Боиси, тумандаги юзлаб ёшларнинг билимга чанқоқ, интилувчанлиги ҳеч бир ота-онани бефарқ қолдирмас эди.

Самимий ва очиққунгил, шу билан бирга қаттиққул, талабчан янги раҳбар бу масканга файз бериш учун биринчи навбатда жамоа уртасида меҳроқибатни кучайтириш, ҳамжихатликда иш олиб бориш лозимлигини

уктирди. Ҳамма «бир ёқадан бош чиқариб» иш бошлади ва куп утмасдан коллеж ҳудуди ободлашиб гузал масканга айланди.


— Ўқув даргоҳи чиройли, куркам бўлиши шарт. Аммо истироҳат боғидан фарқи бор, — дейди Шукуржон ака. — Бу ерда ўқувчиларнинг яхши сабоқ олиб, изланишлари ва қобилиятларини чархлаши биринчи уринда туради. Мана бу умид билан гул эккаётган, таъмирчиға ёрдам бераётган ёшлар утган кунлари эвазига кучли би-

## Касб-ҳунар коллежларида

лим олиши, келажagini туғри белгиланган кишилар булиб этиши керак. Энг муҳими, қаерда уқигансан деса, ҳижолат чеки турмаслиги керак.

Эндиги асосий эътибор таълим сифати ва самардорлигини оширишда эди. Бунга эришиш учун биринчи навбатда ўқув юртига малакали, уз касбига фидойи ўқитувчиларни, айниқса, илм кишиларини жалб этиш лозим эди. Шу боис, Шукуржон ака энг аввал тумандаги малакали ўқитувчилар, шунингдек вилоятнинг турли олий ўқув юртларида фаолият курсатаётган профессорлар, фан докторлари ва фан номзодларини ишга таклиф эта бошлади. Тез фурсатда коллежга вилоятдан 5 нафар фан номзоди келди, институт ва университетларда сабоқ бераётган яна 3 нафар профессор, унлаб фан номзодлари ҳамда олий тоифали ўқитувчилар ҳам бирин-кетин коллежда фаолият бошладилар.

Таълим самардорлигини ошириш мақсадида, коллежда «Сифат ва мазмун» комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Ушбу комиссия таркибига асосан коллежнинг етакчи профессор-ўқитувчилари киритилди. Улар коллежнинг ҳар бир синфида тахсил олаётган ўқувчиларнинг олган билимларини турли тест саволлари ёрдамида доимий равишда назорат қилиб бордилар. Бу биринчидан, фанларни ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчиларни ўз ус-



## СИФАТ ВА МАЗМУН — АСОСИЙ ШИОР

тида кўпроқ ишлашга унда-са, иккинчидан ўқитувчининг ўз малака ва маҳоратини тинимсиз равишда ошириб боришга ва талабалар билимини холис баҳолашга кўмаклашмоқда. Натижа эса қутилганидек: ўқувчилар орасида ўзлаштириши оғир бўлганлар сони кескин камайди.

Дарвоқе, бу ишларнинг йўлга қўйилиши натижасида коллеж кутубхонаси ва ўқув зали ўқувчилар билан

тўладиган бўлди. Мураккаб қўшимча вазифалар, уйга топшириқларни бажариш мақсадида, шунингдек турли масалаларда баҳс-мунозаралар олиб борадиган ўқувчилар учун кутубхона ўқув зали торлик қилар, унинг иш вақти етмас эди. Шу боис, коллеж раҳбарияти томонидан ўқув зали хонасини 70 ўқувчи ўрнига мослаштириб кенгайтиришга ва унинг иш вақти кеч соат 9 гача узайтирилишига келишилди. Эндиликда

ҳар куни бу ерда 200 дан зиёд ўқувчи дарсдан сўнг шуғулланадиган бўлди. Кутубхона ўқув адабиётлари жамғармаси ҳам тез орада 25 мингдан ортиқ турли ўқув, илмий, бадиий асарлар билан бойитилди.

Коллеждаги таълим-тарбия ишлари, ундаги ўқувчиларнинг билими, салоҳияти ва интизомии узоқ-узоқларга ҳам тарала бошланди. Турли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан коллеж битирувчиларига талабномалар келиб туша бошлади.

Ўқув даргоҳида ҳаммага бирдек жорий қилинган учта талаб бор. Биринчиси — интизом. Иккинчиси — самарага эришиш учун ҳеч нарса аямаслик, учинчиси эса мавжуд жиҳозларни асраб-авайлаб фойдаланиш.

Шу-шу коллеж ўз мавқеини тиклаб олди ва 2000-2001 ўқув йилига қабул чоғида таълим даргоҳининг мавқеи, «рейтинг»и бирдан ошиб кетди. Бу даргоҳга кириб ўқиш минглаб ёшлар орзусига айлана бошди.

## ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ПОЙДЕВОРИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодийети, хусусан банк тармоғи ҳам кенг тараққий эта бошлади. Республикада ўнлаб давлат, хусусий, акциядорлик ҳамда тижорат банклари самарали иш бошлади. Сўнги ўн йиллар мобайнида таълим муассасаларида ҳам бу соҳа ривожини кўриш малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам бирламчи эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимиздаги янги ўМКХТ тизимининг бир қатор муассасаларида ҳам ушбу йўналишда билим оладиган кадрлар тайёрлашга киришилди. Бу ишлар, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 июлда қабул қилинган махсус қароридан сўнг янада жонланиб кетди. Ушбу қарорга асосан республикамизнинг бешта минтақасида иқтисослашган банк коллежларига асос солинди. Ана шундай коллежлардан бири Андижон вилоятининг Олтинкул туманида ҳам ташкил этилган.**

— Коллежимиз 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлса-да, айни пайтда унда 1000 дан ортиқ йигит-қиз сабоқ олмоқда. Вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан қатнаб ўқийдиганлардан ташқари, қўшни Фарғона ва Наманган вилоятларидан ҳам отаоналар ўз фарзандларини коллежимизда тахсил олишларини исташаяпти, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Олимжон Тўйчибоев. — Бу ерда асосан банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия, ижтимоий таъминот, ҳуқуқшунос-иқтисодчи мутахассисликлари бўйича ўқувчиларга билим берилмоқда. Таълим жараёни ҳам чуқурлаштирилган, табақалаштирилган тарзда олиб борилади. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, лаёқати, қайси соҳага мойиллигини ўрганувчи фан ва 10 дан ортиқ спорт тўғараклари фаолият кўрсатади. Айни пайтда, илк битирувчиларимиз

рувчиларидан ташқари, турли корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам ўз билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Коллеж деканатлари, ўқув хоналарини айланиб бўлгач, Олимжон ака бизни телерадиомарказ томон бошлади. Мазкур марказнинг фаолияти кенг қамровли бўлиб, у турли замонавий аудио-видео ускуналар билан жиҳозланган.

— Коллежимиз ҳар бир ўқитувчиси изланувчан ва янгиликка ташна, — дейди ўз ишлари самарасидан тўлқинланиб Олим-

жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

Марказ радио тармоғи орқали эса ҳар бир танаффус пайтида ўқувчилар эътиборига турли мавзудаги радиотестлар ҳавола қилинади. Ушбу тест саволлари ўқувчиларимизнинг ўзлари томонидан тайёрланган бўлиб, у ўқувчиларни бўш пайтида ҳам фикрлашга, изланишга даъват этмоқда. Шунингдек, ижод-

## КОЛЛЕЖДА ТЕЛЕРАДИОМАРКАЗ

жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

Марказ радио тармоғи орқали эса ҳар бир танаффус пайтида ўқувчилар эътиборига турли мавзудаги радиотестлар ҳавола қилинади. Ушбу тест саволлари ўқувчиларимизнинг ўзлари томонидан тайёрланган бўлиб, у ўқувчиларни бўш пайтида ҳам фикрлашга, изланишга даъват этмоқда. Шунингдек, ижод-



жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

Марказ радио тармоғи орқали эса ҳар бир танаффус пайтида ўқувчилар эътиборига турли мавзудаги радиотестлар ҳавола қилинади. Ушбу тест саволлари ўқувчиларимизнинг ўзлари томонидан тайёрланган бўлиб, у ўқувчиларни бўш пайтида ҳам фикрлашга, изланишга даъват этмоқда. Шунингдек, ижод-

жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

жон ака. — Ушбу телерадиомарказни ўқувчиларимиз билими, қобилияти ва ақлий салоҳиятини юксалтириш мақсадида яхши ниятлар билан 2000 йилда ташкил этган эдик. Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда бу марказ тўла ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказдаги видеожиҳозлардан асосан ўқув материалларини тайёрлашда, интерфаол усулда дарс ўтишда, шунингдек малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини кўриб, шу орқали маълум фан бўйича ўқувчилар билимларини оширишда фойдаланмоқдамиз.

## «ИҚТИДОРЛИЛАРНИ КАШФ ҚИЛИНГ!»

Бу гоёни коллеж директори Шукуржон Маматкулов ҳар бир педагогга сингдиришга ҳаракат қилади. Уста мураббий таълим даргоҳида тахсил олаётган ҳар бир йигит-қизга ўқувчи сифатида эмас, балки онги, дунёқараши, билим савияси кундан-кун юксалиб бораётган шахс сифатида мураббийларни ҳуш кўради ва шундай муносабатда бўлиши жамоадан ҳам илтимос қилади.

— Сиз иқтидорларни кашф этинг. Топсангиз, уни қадрланг, тарбияланг. Бу сизнинг кашфиётингиз. Меҳнатингиз ҳам, албатта, беиз кетмайди, қадрланади, — дейди Шукуржон ака устозларга қарата.

Ўқув юртида ҳар бир педагог эъозланади. Айниқса, бу ерда фаолият кўрсатаётган ёш мураббийларни илмий ишга жалб қилиш яхши йўлга қўйилган. Чунончи, айни пайтда коллеж-

да фаолият курсатаётган ёш, иқтидорли педагоглар орасидан 5 нафар илмий тадқиқот устида иш олиб бориб, якунаётган булсалар, яқинда бир нафар ўқитувчи иқтисодиёт фанлари номзоди унвонини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Коллеж олимларидан иборат гуруҳ бир қанча илмий рисоалар, ўқув адабиётларини ҳам яратиб, бу жараёнда фаол иштирок этмоқдалар. Айни пайтда таълим муассасаси олимлари томонидан ёзилган ўқув адабиётлари республикамиз таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда. Бу биз каби ўқитувчиларга, ўқув даргоҳларига катта масъулият юклайди, — дея ўз фикрларини баён қилди Шукуржон ака суҳбатимиз якунида.

Биз ҳам фидойилик, ташаббускорлик курсатиб меҳнат қилаётган бу аҳил жамоанинг келажакда бундан-да улкан парвозларига тилақдошимиз!

Саҳифа материалларини  
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ тайёрлади.

## МУРАББИЙЛАР ОҚ ЙЎЛ ТИЛАШДИ



Баҳорги таътил мобайнида мактаб ўқувчиларига қувончу шодлик бағишлаётган «Умид ниҳоллари» спорт беллашувларининг 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги Тошкент шаҳри бўйича 3-босқич ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Бу беллашувларда ҳар бир тумандан 151 нафардан жами 1661 нафар ёш спортчилар иштирок этишди. Куни кеча мусо-

бақанинг барча турлари бўйича шаҳар ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими 110-мактабда бўлиб ўтди. Бу ерга беллашувлар ғолиб ва совриндорлари, мураббийларию ота-оналари йиғилдилар. Бўлиб ўтган қизғин беллашувлар жараёнида бир-бири билан танишиб, дўстлашиб олган юқори синф ўқувчилари Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуасининг «Севинч», «Юлдузча» дасталарининг куйқўшиқлари ҳамда жозибали рақсларидан завқландилар. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи И. Зокиров тадбирни очиб, ғолибларни табрикларди. Хоразмда бўлажак мамлакат ёшларининг «Умид ниҳоллари-2003» мусобақаларида қатнашиш имконини қўлга киритган ёш спортчиларга

омадлар тилади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ижрочи директори А. Толибжонов спортнинг 12 та тури бўйича ғолиб чиққан жамоаларга ва жамоанинг ҳар бир қатнашчисига 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Этиборли жиҳати шуки, мазкур тадбирда иштирок этаётган 9 нафар 22-БЎСМ тарбияланувчилари мураббийлари А. Асрорхўжаев, И. Борисенколар бошчилигида Бухорога отланишди. Улар Бухорода бўлиб ўтаётган бадий гимнастика Республика чемпионатида қатнашиб, ўз маҳорату санъатларини намойиш этадилар. Таъбир жоиз бўлса, жозибали санъат турининг ошуфтаси бўлган бу қизалоқларга мураббийлар, тенгдошлари омадлар тилашди, дуога қўл очиб оқ йўл тилашди.

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**  
**«Маърифат» мухбири**

Аввал хабар берганимиздек, Фаргона вилоятида «Умид ниҳоллари» спорт уйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. 10

кун давом этган мусобақаларда вилоятнинг 20 та шаҳар ва туман ғолиблари спортнинг 12 тури бўйича узаро куч синашди. Уч мингдан зиёд ёш спортчилар иштирок этган мусобақалар



ортда қолди. Ва Мусобақаларнинг «Нефтчи» уйингоҳида ёпилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўрин-

## ФАРҒОНАДАН ХОРАЗМ САРИ

Қирғули туманидаги «Нефтчи» спорт мажмуасида, Тошлоқ тумани Марказий уйингоҳида, Марғилон шаҳар Қурилиш, Фарғона шаҳар саноат коллежлари спорт залларида юқори савияда ўтказилди.

Мурасиз ва қизиқarli беллашувлар ҳам

ят босқичи ғолиблари эълон қилинди. Фахрли 1-урин спортнинг барча турлари бўйича энг юқори натижаларга эришган Фарғона шаҳрининг ёш спортчиларига насиб этди. Боғдод ва Учқурик тумани ўқувчилари эса 2-, 3-уринларга сазовор бўлишди.

босари Ҳ.Каримов, халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Ходжаев, Қирғули тумани ҳокими Э.Нишонов, вилоят спорт қўмитаси раиси К.Мирзабоевлар иштирок этди.

**Ақромжон ТУРСУНАЛИЕВ,**  
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**



## ВАРРАК УЧИРГАН БОЛАЛАР

Яқинда пойтахтимиздаги Боғи Эрам маданият ва истироҳат оромгоҳида республика ўқувчилари ўртасида анъанавий «Варрақлар байрами» ўтказилди.

Мусобақа Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Техник ва оммавий спорт турлари маркази, Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази томонидан ташкиллаштирилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 70 нафарга яқин иқтидорли ўқувчилар қатнашди.

—Бу тадбирни ўтказишдан мақсадимиз ўқувчи ёшларимиз онгига миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни сингдириш, халқимиз ўйинларидан бўлган варрақларнинг турли хилларини ясаш ва учирришга бўлган қизиқишларини мусобақа тарзида ташкил этиш ва ғолибларни аниқлаб, уларни рағбатлантиришдир, — дейди Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази директори Толиб Қорабоев.

Бутун варрақлар самога кўтарилгач, боғни болаларнинг шодон қийқириғи тугиб кетди. Энг баландга кўтарилган варрақ эгаси ғолиб деб топилди. Ва олий мукофот билан тақдирланди.

**Баҳром ҲАМДАМОВ**

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Халқаро турнир ўтказилади. Ўзбек миллий кураши жаҳон майдонида чиқди. Кураш миллионлаб одамлар эътиборига тушди. 1995 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хо-

## ПОЛВОНЛАРНИНГ ЗЎРИГА «НЕКСИЯ»

тирасига бағишланган ўзбек кураши бўйича халқаро турнири ташкил этиш туғрисида»ги қарорнинг натижаси улуроқ, қўшлаб уйингоҳлар, ёш полвонларнинг мунтазам равишда шуғулланишлари учун спорт заллари барпо этилди. Уларда юзлаб иқтидорли полвонлар

кураш машқини олмоқдалар.

Ўтказилаётган бу турнирнинг олдингиларидан фарқи бу галги турнирга дунёнинг 20 га яқин давлатидан 40 нафардан ошиқ номдор, машҳур полвонлар келиши кутулаётгани. Мусобақаларда 200 нафар сара полвон узаро куч синашди.

Турнир ғолибларига соврин жамғармаси (60,66,73,90,100 кг вазн тоифалари

бўйича) 1-урин учун 1500, 2-урин учун 750, 3-урин учун 500 АҚШ доллари миқдорига белгиланган. Бундан ташқари, мутлақ вазн тоифасида кураш тушиб, ғолиб чиққан полвонга Президент соврини — «Нексия» автомашинаси берилади.

## «МЕРГАН ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ»

Зангиота туманида Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида «Наврўз» байрамига бағишлаб тумандаги 18 та

мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчи қизлари орасида мерганлик мусобақаси уюштирилди. Мерган қизлар ичида 26-мактаб ўқувчиси Феруза Мирзаева

ва ғолиб чиқди, муаллим аёллар мусобақасида эса 8-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Каримова биринчиликни қўлга киритди.

**Зевара АҲМЕДОВА**

## СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Пойтахтдаги Олимпия захиралари коллежида Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси кубоги учун спортнинг баскетбол, кикбоксинг, кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Кикбоксинг, баскетбол федерациялари ва халқаро кураш ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур мусобақада қатнашган жамоалар ғолиблик учун астойдил беллашишди. Турнир ғолибларига совринлар ва эсдалик совғалари топширилди.

х х х

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Таэквандо федерацияси ҳамда Байналмилал жангчилар бирлашмаси ҳамкорлигида таэквандо бўйича 16 ёшдан юқори бўлган қора белбоғ соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.

Беллашувда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафарга яқин йигит-қизлар иштирок этишди. Эрақлар беллашувда Михаил Чистяков, Фарҳод Рустамовлар ғолибликни қўлга киритишган бўлса, қизлар баҳсида Дилноза Раҳимова, Луиза Бектемироваларга тенг келадигани топилмади. Жамоа мусобақаларида биринчи ўрин Сирдарё вилояти таэквандочиларига насиб этди. Ғолиблар Грецияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

«Туркистон-пресс»

Тошкент қишлоқ хўжалик институти томонидан 1977 йилда Байжанов Сейдахмет Ибрагимович номига берилган R-II № 287872 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети жамоаси университетнинг «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш» кафедраси мудири, профессор Аҳаджон Ҳасановга падари бузруквори  
**Аҳмаджон ҳожи отанинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети жамоаси университетнинг таъминот бўлими катта товаршуноси Нажот АНВАРОВГА падари бузруквори  
**Анвар отанинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази жамоаси Давлат тили бўлими бошлиғи Н.Фуломовага опаси  
**Зарифахон** опанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба ушюмаси қўмитаси Араб филологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Малика Носировага отаси  
**Анвар НОСИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

## Ko'ngil bitiklari

ODAM KERAK EKAN  
ODAMGA

Инсон билан тирикдир инсон,  
Бағишлайди бир-бирига жон.  
Ҳаётингда энг оғир дамда,  
Одам керак экан одамга.

Яратмасин кишини ёлғиз,  
Гар бойлигинг бўлса ҳам ҳадсиз,  
Ботмай десанг ўйловга, ғамга,  
Одам керак экан одамга.

Гар ёстиққа етганда бошинг,  
Сел бўлганда кўздаги ёшинг.  
Ўхшагайдир худди малҳамга,  
Одам керак экан одамга.

Умринг ўтгай дегунингча хув...  
Бу бевафо ҳаёт қалтис, қув.  
Сўнги дамда сўраганда сув...  
Югурмоқ-чун оби-зам-замга,  
Одам керак экан одамга.



Турди Ҳайдар топ камол майли,  
Эл яйрасин меҳринг туфайли.  
Меҳрибон кўп бўлсин ўлкамга,  
Одам керак экан одамга.

## ЯШАСАНГ...

Ўйласанг кимгадир кераклигингни,  
Кимгадир суянчиқ, тиргаклигингни,  
Ҳамиша хушёр, сергаклигингни.  
Элингга меҳрингни бериб яшасанг,  
Юракдан севилиб, севиб яшасанг...

Кимдир изларингга бўлиб юрса зор,  
Ўзинг ҳам кимгадир гар бўлсанг хумор,  
Муҳаббатни қалбга айласанг тумор.  
Сирли боқишлардан эриб яшасанг,  
Юракдан севилиб, севиб яшасанг...

Кимнингдир дардига бўлсанг малҳам,  
Ё кимдир сен сари талпинса ҳар дам.  
Шодлик ҳамроҳ бўлиб, йироқлашса ғам,  
Беминнат ризқингни териб яшасанг,  
Юракдан севилиб, севиб яшасанг.

Дўстлар қаторида бўлмаса каминг,  
Ҳеч кимга сочмасанг захру аламинг,  
Мунаввар, хуш ўтса, ҳар он, ҳар дамнинг,

Ўзбекман деб, кўкрак кериб яшасанг,  
Юракдан севилиб, севиб яшасанг...

Ортса одамларга берсанг борингни,  
Зарурда кўтарсанг элининг корини.  
Турдининг ёзилган шу ашборининг  
Мағзига чуқурроқ кириб яшасанг,  
Юракдан севилиб, севиб яшасанг...

Турди ҲАЙДАРОВ,  
Қарши туманидаги 25-мактаб раҳбари

## ОЧ НИГОҲ

Оч қолган одамга бир бурда нондан,  
Азизроқ таом йўқ, шундан кўнгли чоғ.  
Чанқаган одамга бир қултумгина  
Шарбат топилмагай, сувдан ширинроқ.

Ёниб ҳам битмоқда умр шам мисол,  
Йўлақлар пойингга ястанар басир.  
Қорни оч одамдан минг карра кўпроқ,  
Кўзи оч одамлар — аянчлироқдир.

Жавоҳир ФАХРИДДИНОВ,  
Олтинсой туманидаги 4-мактабнинг  
тарих фани ўқитувчиси

Фарҳод икки ўт орасида қолди: ё ҳозир бориб Ферузага бор гапни тушунтириб, ўлсам ўламан-ки, сени дейман деб сўз беради, ё "Алвидо, севги!" деб ундан воз кечади. Йўқ, йўқ ундай қилолмайди, чунки у Ферузани бутун қалби билан севади, усиз яшолмайди ахир. Лекин бир томонда отаси... Отасига бир бошдан тушунтирса-чи? Йўқ, барибир фойдасиз. Отаси жуда қайсар одам, билганидан қайтмайди. Ферузани олмайсан дедими, тамом. Фарҳод бир жонсиз буюммидики, отаси уни истаган кўйга солса, фақат ўз манфаатларини ўйласа. Ахир уям одам, мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, энг муҳими, севишга ҳаққи бор. Ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, отаси эмас. Нима қилиб бўлса-да, отасини кўндириши керак. Бўлмаса бир умр пушаймонда қолади: у Феруза билан қочиб кетади. Лекин Феруза бунга кўнармикин? Холасини ёлғиз ташлаб, у билан кетишга рози бўлармикин? Фарҳод кун бўйи шу хаёллар билан банд. Севги изтироблари уни шунчалар азобга қўйишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Севги бошига тушиш у ёқда турсин, дунёда шундай буюк туйғу борлигини билмасди ҳам. Уни фақат китобу киноларда бўлади, деб юрарди. Мана энди билипти, севги аталмиш қийин савдоларни. Эҳ, қанийди ҳаммиси хамирдан қил суғургандек осон кечса. Балки шундай бўларди ҳам, шошқалоқ синглиси ҳовлиқиб отасига "гуллаб" қўймаганида. Барчасига ўша қақажон синглиси айбдор...

Хаммаси синфдоши Гулининг туғилган кунидан бошланди. Утган йили синфдоши туғилган кунига бағишлаб зиёфат уюштирди. Ўша зиёфатда Фарҳод Гулининг курсдош дугонаси Ферузани кўрдию ороми йўқолди. Қизнинг маҳзун чехраси, қоп-қора шахло кўзлари уни бир зумда ўзига мафтун қилиб қўйди. Ферузанинг нигоҳлари бироз маъюс боқса-да, лекин айнан

омад розаи  
худо розаи

шу боқишлар унга ажиб бир гўзаллик бахш этиб турарди. Ўша кундан бошлаб Фарҳод Гули орқали Феруза билан яқиндан танишиб, у ҳақида яширинча маълумот тўплашга киришди...

Феруза ёлғиз холаси билан шаҳар чеккасида тураркан. Ота-онасидан эрта етим қолган қизчани холаси ўз тарбиясига олади. Вояга етгач, холаси гарчи турмуш тарзлари оғир бўлса-да, ўқишга жойлаштиради.


Шуларни билиб олган Фарҳод ҳар куни Ферузанинг йўлини пойлайдиган бўлди. Мақсади, қизнинг қалбидан ғамни ҳайдаб, севги чечаги ундириш. Ва ниҳоят ниятига эришди ҳам. Дунёда иккала

## Никоуа

севишган қалбдан бахтлироқ одам йўқ чоғларда бу ҳақда қаердандир эшитиб қолган синглиси Гўзал бор гапни оқизмай-томизмай отасига етказди. Оқибатда отаси унга бор захрини сочди: "Икки дунёдаям у қизга уйланмайсан. Умидингни узавер. Ўзим сенга муносиб қиз топиб қўйганман!" Ўша пайтда отасининг юзига тик қаролмаган Фарҳод бу сўзларнинг бутун даҳшатини энди ҳис қилмоқда.

Фарҳод хаёллар исқанжасидан кутуллолмай, азобланиб юрган кезларда, ота ўз ҳукмини ўқиди: у ўғлини қачонлардир вафот этган бир дўстининг қизига уйлантирмоқчи. Айтишича, дўсти унга жуда кўп яхшиликлар қилган, шулар ҳаққи-ҳурмати унинг қизини ўғлига муносиб кўриб, келин қилмоқчи. Иш деярли битган. Энди тўй тараддудини бошлаш керак, холос. Бу гапларни эшитиб Фарҳоднинг ғазаби қайнаб кетди, наҳотки шунча ишлар бўлибдию, бир оғиз унга айтишмаса. Шунда яна синглиси орага суқилди. У бориб, бўлажак янгасини кўриб келибди ва ҳатто суратини олиб келибди. У сумкасида қандайдир сурат чиқариб, Фарҳодга рўпара қилди. Ҳозиргина ғазабдан бўғилаёзган, суратни ушлаш уёқда турсин ҳатто унга қарашни истамаётган Фарҳод, нигоҳи суратга беихтиёр тушдию, ҳайратдан донг қотиб қолди: суратда уни асир этган Ферузанинг кўзлари маъюс кулимираб боқарди...

Дилдора ИБРОҲИМ ҚИЗИ

"ЧЕЧА"  
КРОССВОРДИ

**ЭНИГА:** 1. Ўсимлик озиғи. 2. Хўл мева. 3. Ижод маҳсули. 4. Куритилган мева. 5. Товар баҳоси. 6. Олий ўқув юрти. 7. Талабалар спорт мусобақаси. 8. Ҳашарот. 11. Волида. 13. Азиз неъмат. 15. Зулимкор, бағри-тош. 16. Қахрамон қалъа. 19. Юлдузлар билимдони. 21. Дунёдаги энг узун тоғ тизмаси. 22. Дунёдаги энг узун дарё. 25. Афсонавий бог. 26. Узунлик ўлчов бирлиги. 28. Лойиҳа. 29. Шимолий Россиядаги яри-морол.

**БЎЙИГА:** 4. МДХдаги дав-

лат. 6. Тунги ором. 7. Илдиш. 8. Ният, тилак. 12. Америка қиъасидаги давлат. 14. ... Утар (хоразмлик шоир). 16. Отанинг отаси. 17. Уч китобдан иборат асар. 18. Австралиядagi шаҳар. 20. Боб, бўлим. 23. Уч кишилик ансамбл. 24. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат. 27. Бирон нарсадан воз кечиш. 28. Қардош миллат. 30. М. Юсуф асари. 31. Тамға. 32. Ҳажм ўлчов бирлиги.

Тузувчи:  
Муҳаммад САЙДОВ,  
Янгиер педагогика коллежи  
ўқитувчиси

## Ma'rifat

## ТАБСИС

## ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

## Бош муҳаррир:

Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Матбуот Кўмитасида  
№ 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.  
Тиражи 27613. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ,  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Набатчи муҳаррир:  
Хулқар ТҮЙМАНОВА.  
Набатчи:  
Даврон ТОЖИЛИЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш тахрират рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахриратга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

М белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Милоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.  
Тоширилди — 21.00